

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

“ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ҲУДУДЛАРИДА ИЛК ШАҲАРЛАР ТАРИХИ”

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: “Тарих” таълим йўналиши
битирувчи 4 курс талабаси

Бойматов Сухроббек Чориевич _____

ИЛМИЙ РАҲБАР: т.ф.н.Б.Рахимов

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____сонли баённомаси “ _____” _____ 2017 йил

ТЕРМИЗ-2017

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Асосий қисм:	
1Боб.Бақтрия ҳудудларида аҳолининг ўтрок дехқончилик маданиятларининг пайдо бўлиши.....	10
1.1.Сополли маданияти.....	18
1.2.Жарқўтон илк шаҳар маданияти.....	28
2.Боб.Бақтрия ҳудудида илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши	
2.1.Қизилтепа ва Ҳайитободтепа маданиятлари.....	38
2.2.Бақтрия ва Суғд шаҳар маданиятининг ўзаро алоқадорлиги.....	42
Хулоса.....	56
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	58

.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: XX аср охирида халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чикди, Ўзбекистон мустақилликка эришди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди, янги жамият куриш учун туб ўзгариш ва ислохотлар амалга оширила бошланди. Ўзбекистонда барпо этилаётган сиёсий тузум демократик, ҳуқуқий давлат бўлса, ижтимоий тузумни-конун устивор бўлган фукаролик жамиятидир. Ўзбекистонда тарихий жихатдан қисқа бир давр ичида миллий давлатчиликни барпо қилиш, бозор иқтисодига ўтиш, халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида улкан ишлар амалга оширилди. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Маънавий бойликлар, қадриятлар, давлат, миллат, шахснинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаи ҳисобланади. Айнан ушбу маънавий ва мафкуравий асосни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда тарих фани алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек: “....Тарих хотираси,... миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди”¹. Шунингдек, Президент И. А. Каримов ўзининг бир қатор рисола ва нутқларида “Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба - бу ҳаққоний ёритилган тарихдир” - деб кўрсатади².

Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини умумжаҳон тараққиёти нуқтаи назаридан, аниқ тарихий фактларга таяниб, холис ва илмий асосда тадқиқ этиб, халққа етказиш зарурияти пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримовнинг 1998-йил 26-июнда бир гуруҳ тарихчи ва журналистлар билан бўлган учрашувида Республика

¹ Qarang: Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид: барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 102.

² Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси – халы эътиқоди ва буюк келажигига ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 14.

тарихчилари олдига айнан шундай вазифа қўйилди. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 27-июнида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қабул қилинган Қарорида ҳам ўз ифодасини топган. Унда хусусан, ўзбек халқи ва унинг давлатчилигининг ҳаққоний тарихини ўрганиш, “энг кадимдан ҳозирга қадар давлатчилик тарихий босқичларида ҳудудимизда яшаган халқларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти масалаларини ўрганиш» лозимлиги қайд этилган³.

Ушбу битирув малакавий ишимиз кадимги Бактрия ҳудудида жойлашган илк шаҳарлари тарихига оид бўлиб, Ўрта Осиё ҳудудида илк шаҳарсозлик ва давлатчиликнинг ташкил топишининг ўзига хос хусусиятлари, Бактрия ҳудудларида дастлабки урбанизация жараёнлари, Бактрия ҳудудида жойлашган Сополлитепа, Жарқўтон ва Қизилтепа ва Ҳайитободтепа маданиятлари. Бактрия ва Суғд шаҳар маданиятининг ўзаро алоқадорлигини очиб беришда тўпланган илмий маълумотлар, фанга жорий этилган далиллар Ўрта Осиё шаҳарлари тарихини янги асосларда тадқиқ этиш, илмий ёндашувлар ва коицепцияларни умумлаштиришни долзарб вазифалардан бирига айлантирди.

Битирув малакавий иши мавзусининг мақсад ва вазифалари. Ўрта Осиёда илк шаҳарларнинг тараққиёт босқичлари мавзуси бўйича бугунга қадар амалга оширилган тадқиқотлар орасида минтақада шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини тўла ҳолича қамраб олувчи илмий тадқиқотлар жуда кам. Улар асосан алоҳида шаҳарлар ва тарихий-маданий вилоятлардаги шаҳарсозлик маданиятига бағишланган. Антик даври шаҳарлар тараққиёти ҳақида кўпдан-кўп ишлар амалга оширилган. Аммо минтақада илк шаҳарсозлик тарихи бутун минтақа миқёсида илмий тадқиқот сифатида етарли даражада

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ЎзР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорри // Ўзбекистон овози. 1998 йил 28 июль

ўрганилмаган.

Айниқса, қадимги шаҳарларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функциялари, уларнинг бир-бирига таъсири ва алоқадорлиги ҳақида ёритилган маълумотлар кам бўлиб, ушбу долзарб мавзу махсус таҳдильга муҳтож. Мавжуд манбалар ва маълумотлар қадимги шаҳарларни ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари марказлари, иқтисодий ва технологик янгиликлар масканлари сифатида чуқурроқ ўрганилишига имкон беради.

Қадимги шаҳарлар тарихини ўрганишнинг энг асосий хусусиятларидан яна бири шундаки, цивилизация билан боғлиқ бўлган янги шаҳарсозлик маданияти марказларининг турли ҳудудларда пайдо бўлиши ўзининг аҳамиятига кўра, жамият ривожланишининг ўзаро алоқалари ва умуммаданий анъаналарида ҳам кузатилади. Масалануинг кам ўрганилган ушбу жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим вазифадир.

Қадимги Бактрия ҳудудида илк шаҳарлар тарихини ўрганишда рўй берган маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни, илк шаҳарлар тараққий этишининг асосий омиллари ва сабабларини замонавий ёндашувлар асосида аниқлаш мақсадидан келиб чиқиб, дарслик олдига қуйидаги асосий вазифалар қўйилди:

-Қадимги Бактрия ҳудудида илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи мавзусида тарихий мазмунга эга махсус тадқиқотни яратиш жараёнида археология маълумотларини тарихий манба сифатида умумлаштириш ҳамда археологик маълумотларни тарихга йўналтиришнинг беқиёс аҳамиятини кўрсатиб бериш;

-«Шаҳар»ни тарихий тушунча сифатида изоҳлаш ҳақидаги турли концепциялар ва ёндашувларни кўриб чиқиш ва ушбу тушунча бўйича қилинган илмий тадқиқотлар натижаларини умумлаштириб, илк шаҳарлар ҳақидаги илмий-услубий ёндашувлар ҳамда концепцияларни ўзаро қиёсий таққослаш асосида илмий хулосалар чиқариш:

-илк шаҳарлар пайдо бўлиш шарт-шароитлари ва ўзига хос хусусиятларини, асосий омилларини археологик маълумотлар асосида

қиёсий ва умумлашма ҳолатда ўрганиш;

-Қадимги Бактрия ҳудудида урбанизация жараёнларининг янги тарихий-маданий вилоятлар пайдо бўлишидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш;

-минтақадаги урбанизация жараёнлари даврлаштирилишига аниқликлар киритиш;

-Ўрта Осиё шаҳар маданияти ривожланишининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиш;

Битирув малакавий иши мавзусининг ўрганилиш даражаси.

«Авесто» - қадимги тарихимизни ўрганишда ноёб манба. Ўз мазмуни, моҳиятига кўра яккахудолик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик, юртпарварлик ғояларини тараннум этиб, одамзод аҳлини бунёдкорлик, яратувчиликка ундаган муқаддас «Авесто» олис тарихимизнинг асл дурдона асарлари сирасига киради¹. «Авесто» китоби мил. ав. сўнгги минг йиллик бошлари ва ўрталарида яшаган ҳудудимиздаги қадимги халқларнинг ўзига хос турмуш тарзи, ҳўжалик машғулоти, ижтимоий-маданий ҳаёти, урф-одатлари-ю, маросимлари ҳақида маълумот берувчи муҳим тарихий манбадир.

Шунингдек, қадимшунос олимларнинг ўлкамизнинг турли ҳудудларида олиб борган археологик - қидирув ишлари, уларнинг натижалари муҳим манба ҳисобланади. Шунингдек, қадимги Юнон, Рим ва Эрон манбалари асосида ҳам бу масалани ойдинлаштириш, етарли, асосли фикрларни айтиш мумкин бўлади. Бу ўринда Юнон, Рим муаллифларидан Геродот, Гекатай, Ктесий, Страбон, Арриан ва бошқаларнинг асарлари, ёдномалари, Форсий миххат ёзувлари, қолаверса, ўлкамизда кенг қўламли археологик тадқиқотлар олиб борган Я.Ғуломов, С.Толстов, В.Массон, А.Асқаров, Э.Ртваладзе, А.Сагдуллаевларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга моликдир.

Ктесий маълумотича, Бактрияга қарашли Вахш водийси оби- ҳаётга мўлкўллиги, унумдор ерлари кўп бўлганлигидан, бу ҳудудда деҳқончилик маданияти тараққий топган, аҳоли боғдорчилик, мевачилик маҳсулотлари етиштиришда омилкор бўлган.

И.В.Сарианиди жанубий Бақтрияда Сополли маданиятига яқин бўлган археологик мажмуани ўрганган. Аммо, олим бу мажмуаларни "ўзига хос маданият", "маҳаллий кўриниш", "маҳаллий маданий жамоа" каби тушунчалар билан боғламайди. Кейинги йиллардаги тадқиқотларида бу олим Намозгоҳ VI даврига оид Бақтрия ва Маргиёна археологик мажмуалари (БМАК - Бактрийско-Маргианский археологический комплекс) мавжуд эди, деган ғояни илгари сурди.

Битирув малакавий иши мавзусининг даврий чегараси. Мазкур битирув малакавий иши Ўрта Осиё шаҳарсозлиги тарихида муҳим рол ўйнаган Қадимги Бақтрия тарихига бағишланган бўлиб, унинг даврий чегараси сифатида эраиздан аввалги минг йилликларни кўрсатиш мумкин. Чунки, айнан бронза даврига келганда Ўрта Осиёнинг аксарият ҳудудларида илк шаҳарлар пайдо бўлган эди.

Битирув малакавий иши мавзусининг манбалари. Мазкур битирув малакавий ишининг манбалари сифатида Қадимги Бақтрия ҳудудида жойлашган сўнгги 1 минг йиллик манзилгоҳида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари, шунингдек, мазкур мавзунинг у ёки бу қирралари акс этган тадқиқотлар, асарлар ва илмий мақола ҳамда тезисларни кўрсатиш мумкин.

Битирув малакавий иши мавзусининг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объектини қадимги даврида вужудга келган Бақтрия манзилгоҳи тарихи, унинг предметини эса мазкур манзилгоҳдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларни ўзида акс эттирган манбалар ташкил этади.

Битирув малакавий иши мавзусининг назарий-услубий асослари. Ўзбекистон мустақиллиги даврида тикланган илмий-услубий (методологик) тамойиллар — объективлик, тарихийлик, сабаб ва оқибатнинг диалектик боғлиқлиги ҳамда миллий истиқлол мафқурасининг меъёрлари ташкил этади. Мавзунинг моҳиятини, маҳаллий (локал) хусусиятларини чуқур англашда,

тадқиқ қилишда Ўзбекистон мустақиллиги шароитларида мустаҳкамланиб бораётган янги тарихий тафаккур ва миллий манфаатлар мавқеи нуктаи назаридан ёндашиш ҳам жиддий аҳамиятга эга бўлди. Тадқиқот жараёнида мавзуга миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол мафкурасидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди.

Муаммонинг турли масалаларини аниқ ва бевосита тадқиқ этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ижтимоий-гуманитар соҳаларга оид ва методологик аҳамиятга молик кўрсатмаларидан дастур сифатида фойдаланилди. Тадқиқотнинг назарий асосини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тарих фанини ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарорлари ташкил этади.

Битирув малакавий иши мавзусининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот натижаларини манбалар асосида илмий жиҳатдан ўрганиш Ватан тарихини янги факт ва далиллар билан янада тўлдиради. Шунингдек, тадқиқот натижасида олинган хулосалардан Ўзбекистон тарихи бўйича дарсликлар, адабиётлар, қўлланмалар ёзишда, олий ўқув юртлари тарих факултетлари бакалаврлари ва магистрлари учун махсус курслар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий иши мавзусининг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, тўрт параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган саҳифани ташкил этади.

Адабиётлар таҳлили. БМ ишини ёзишда Ўзбекистон республикаси президенти И.А.Каримовнинг асарлари, тарихий манбалар, шунингдек, Қадимги дунё тарихининг долзарб масалаларига бағишлаб ёзилган кўплаб монография, дарслик, ўқув қўлланма ва тадқиқот ишлари методологик асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда.” (Т. 2000 й.), “Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.” (Т.

1997 й.), “Юксак маънавият енгилмас куч.” (Т. 2008 й.), “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида.” (“Ўзбекистон” Т. 2011.) каби асарларидан фойдаланилди. Шунингдек, В.И. Авдиевнинг “Қадимги Шарқ тарихи” (Тошкент. 1964.), Ф.А.Бойназаровнинг “Қадимги дунё тарихи” (Тошкент. 2004.), Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. (Дарслик. Т., “Fan va telmologiya”, 2008, 236 бет.) китобларидан фойдаланилди. Бундан ташқари, В.И.Кузищина муҳаррирлигида босиб чиқарилган “История древнего Востока” (М. 1988.) ва И.М.Дьяконов, В.Д.Неронова муҳаррирлигида чиққан 3-томлик “История древнего мира” (М. 1982, 1983, 1989) асарларидан ҳамда С.Крамернинг “История начинается в Шумере” (М. 1991.) ва Л.Любимовнинг «Искусство древнего мира» (Москва. 1980.) номли китобларидан мавзунини ёритишда фойдаланилди. Шунингдек, Қадимги дунё тарихига бағишлаб ёзилган монографияларга ҳам мурожаат қилинди⁴.

⁴ Ботвинник М.Н., Рабинович М.Б., Стратановский Г.А. ”Жизнеописание знаменитых греков и римлян”. Москва. 1987.; Гиедич Н.И. таржимаси: Гомер «Илиада» ва «Одиссея». Москва. 1960-1984.; Древняя Греция. Книга для чтения. Под. ред. Д.Д.Каллистова, С.Л. Утченко. М. 1963.; ”Историки античности”. 1-том (Қадимги Юнонистон). Муҳаррир М.Томашевская. Москва. 1989 г. (Геродотнинг ”Тарих” асари матнининг таржимаси тўлиқ берилган); История древнего мира: Восток, Греция, Рим. / И. А. Ладынин и др. М.2004.; Коростовцев М.А. Религия Древнего Египта. М. 1971.; К.Куманецкий. История культуры Древней Греции и Рима. М. Высшая школа, 1990.; Немировский А. И. История древнего мира. Москва. 2000.; Островский А.В. История цивилизаций. Санкт-Петербург. 2000.; Тарн В. “Эллинистическая цивилизация”. М.1989.; Яковец Ю.В. История цивилизаций. М. 1997.

1-Боб.Бактрия ҳудудларида аҳолининг ўтроқ деҳқончилик маданиятларининг пайдо бўлиши

*“Менким, Ахуромазда, мамлакатлар ичида энг яхши мамлакат, яшаши
жойлари ичида энг яхши яшаши жойи бўлмиш гўзал ва яловбардор Бахдийни
яратдим”. “Авесто” (Видеват, биринчи фаргард)*

Бактрия (қадимги юнон тилида – Бактриана, қадимги форс тилида – Бахтри, авестода - Бахди) – Амударё (қадимда Окс)нинг иккала қирғоғида ястанган Ҳиндукуш (Афғонистон)дан то Хисор тоғ тизмаси (Ўзбекистон, Тожикистон)га қадар майдонни қамраб олган тарихий-маданий ҳудуд бўлган⁵.

Бактрия- Амударё юқори оқими бўйлаб жойлашган қадимги тарихий-маданий ўлка. Ҳозирги Афғонистоннинг шимолий ва марказий вилоятлари, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий минтақаларини қамраб олган. Бу ном Амударёнинг ирмоғи - Бактр (ҳозирги Балхоб) дарёси номидан олинган. Қадимда Бактрия Суғдиёна (шимоли), Арахозия (жануби-ғарб), Ориёна (ғарб) давлатлари ва Ҳиндикуш тоғлари (жануби-шарқ) билан чегарадош. Вилоят пойтахти Бактр (ҳозирги Балх) шаҳри бўлиб, Афғонистоннинг Балх вилоятида, Мозори Шарифдан 30 км масофада жойлашган. Тарихан Бактрия . ирригациянинг қудратли тизими билан суғориловчи тоғолди ҳосилдор воҳани эгаллаган бўлиб, мазкур шароит туфайли у қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик) давлати сифатида шуҳрат топган. Шунингдек, унинг ҳудудидан Буюк Ипак йўлининг Хитойдан Европа ва Осиёга олиб борувчи энг муҳим савдо шохобчалари ўтган.

*Бактриянинг бир қисми шимол томонга қараб Ориё чегаралари ёқалаб
чўзилиб кетган, кўпроқ қисми эса Ориёнинг юқори томонида шарқ
йўналишида ястанган. Бактрия бепоёндир ва зайтун ёғидан бошқа ҳар турли
маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Мамлакат ерларининг ҳосилдорлиги туфайли
Бактрияни қўзғолонга ундаган юнонлар шу қадар куч-қудрат соҳибига
айландиларки, фақат Ориёнгина эмас, балки артемиталик Аполлодорнинг*

⁵ Ртвеладзе Э.В. Бактрия-Тоҳаристан // Культура и искусство древнего Узбекистана, М., 1991, 78-б.

сўзига қараганда, Ҳиндистонга ҳам ҳукмронлик қилдилар. Улар Искандардан ҳам кўра кўпроқ қабилаларни ўзларига бўйсундирдилар; айниқса, Менандрга (агар рост бўлса, у шарқда Гипанисдан ошиб ўтиб, Имайгача етиб борган); баъзи қабилаларни ўзи босиб олган, бошқаларини эса Евтимеднинг ўғли, бактрийлар шоҳи Деметрий забт этди”. Страбон (тахм.мил.авв. 64/63 йй. - тахм.мил. 23/24 йй.)⁶

Бактрия тарихи ва маданиятига илмий жиҳатдан қизиқиш XVIII аср ўрталарида, дастлабки рисола тадқиқотлари пайдо бўлгандаёқ юзага келганди (Т.З.Байер, В.В.Тарн, А.К.Нарайан ва бошқалар), уларда биринчи марта меъморчилик, ҳайкалтарошлик, амалий санъат, танга зарб қилинишига оид юнон ва шарқ усулларининг синтези муаммолари ҳақида айтиб ўтилганди.

Бактрия моддий ва бадиий маданиятини ўрганиш тарихидаги янги боскич XIX аср охиридан бошланди, бунга Британия музейига Тожикистоншиг Қобадийн қишлоғида 1889 йили хуфиёна сотиб олинган 180 дона қадимий тилла буюмлар сабаб бўлган. Кейинроқ Аҳамонийлар (мил.авв. VI-IV асрлар) даври билан саналанган ноёб топилдик фанда машҳур Амударё хазинаси сифатида маълум. Авесто матнлари ва қадимги юнон муаллифлари (Геродот, Страбон, Ктесий, Помпей Трог, Плиний, Плутарх, Арриан ва ҳоказолар) илмий нашрларининг европа ва рус тилларига таржималари Марказий Осиё, жумладан, Бактриянинг тарихини англаш соҳасидаги янги илмий концепциялар ва лойиҳалар келтириб чиқаради. Мазкур асарларнинг мазмуни эллин ойкуменлари - туб халқи яшайдиган жойдан ташқаридаги мамлакатлар ва халқлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат эди.

Бактрия ёдгорликларини археология нуктаи назаридан ўрганишнинг дастлабки тажрибаси 1917 йилда француз олими А.Фуше томонидан Бадғрия- нинг қадимий пойтахти Бақр (Балх)нинг (ҳозирги Мозори Шарифдан 30 км масофада) харобаларида амалга оширилди. Офтобда жизғинаги чикқан шаҳарни биринчи кўриш ва тажриба қазилмалари

⁶ Мозийдан садо журнали.2.2013.2-бет.

ўтказишдаёқ Геродотнинг ўзи Бактрияни қиёс қилган янги Бобилни кашф этиш умиди пучга чикиб, ҳафсаласи пир бўлган А.Фуше жаҳл устида шундай сўзларни айтиб юборган: “Антик муаллифларнинг афсонавий, олтинга, фируза ва ложувардларга бой деб атаган Бактрия - саробдан бошқа нарса эмас”⁷. Таникли археологнинг аламли сўzlари худди афсун каби “яловбардор мамлакатнинг” сирларини яна бир неча ўнлаб йилларга пинҳон тутди. Аммо тасодифан Айритом (Жанубий Ўзбекистон) масканида фриз хайкалчалари бўлакларининг топилиши минтақа қадимги обидаларининг кўп йиллик тадқиқотларига асос солди. Айритом зиёратгоҳларининг дастлабки тадқиқотларини 1932-1933 йилларда М.Е.Массон ўтказди, 1962-1966 йилларда эса Б.Тургунов муфассал ўрганиб чиқди. Айритом фризи топилганидан кейин Урта Осиё археологиясининг ташаббускори фаннинг турли соҳалари - археология, палеонтология, этнография, гидрогеология, археология тарихчилари таркибида Термиз археологик ялпи экспедициясини (ТАКЭ, 1936-1939 йиллар) ташкил этди. Экспедиция томонидан бир қатор оламшумул кашфиётлар қилинди - Тешиктош ғоридаги палеолитик манзилгоҳда неандертал боланинг суяги қолдиқлари топилиши (О.П.Окладников, М.Герасимов), Зараутсой деворий нақшлари, Қоратепа, Чингизтепада буддавийлик эҳромлари (М.Е.Массон, Я.Еуломов, Б.Б.Пиотровский), Термизнинг ўрта аср меъморчилиги (Б.Н.Засипкин, В.В.Згура, Г.А.Пугаченкова) шулар жумласидан.

Бактрияни кенг миқёсда тадқиқ қилиш 1945 йилдан кейин бошланди. Ўзбекистон ҳудудида Ўзбекистон ФА Археология институтининг бир нечта экспедициялари (А.Асқаров, Л.И.Альбаум, Ш.Пидаев), Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси (Г.А.Пугаченкова, Э.Ртвеладзе, Б.Тургунов, Саъдуллаев, З.Ҳакимов), Шарқ халқлари Давлат санъат музейи экспедицияси (Б.Я.Ставиский) иш олиб борди. Сўнгги йилларда жанубий Ўзбекистон ҳудудида Германия, Испания, Франция, Япония ва бошқа мамлакатларнинг тадқиқотчилари фаол иш олиб бормоқдалар. Тожикистон ҳудудида -

⁷ Мозийдан садо журнали.2.2013.2-бет.

Жанубий Тожикистон археологик экспедицияси (Б.А.Литвинский, И.Р.Пичикян) иш олиб бормокда. Афғонистон ҳудудида DAFA (Delegation archeologique frangai seend Afghanistan) археологик тадқиқотлари (А.Фуше, Ж. Акен, Д.Шлюмберже, П.Бернар) ва шўро- афғон археологик экспедицияси (И.Т.Кругликова, В.И.Сариаиди, Г.А.Пугаченкова, З.А.Ҳакимов) муҳим роль ўйнади⁸.

Режа билан олиб борилган археологик тадқиқотларда шу нарса аниқландики, мил.авв. II мингйиллик бошига келиб, Бактрияда унда-мунда деҳқончилик минтақалари юзага кела бошлаган - бу Шеробод дарё ва Бандихонсой (жанубий Ўзбекис тон)нинг ўрта оқимида ва Балхоб (шимолий Афғонистон)нинг қайир ҳудудида тўғри келади. Ҳар бир деҳқончилик минтақасида майда ва таркок қишлоқлар билан бирга, майдони бир неча гектар келадиган шаҳарсимон манзилгоҳлар вужудга келади. Улар бир хил режада қурилган бўлиб, атрофи ихота деворлари билан ўралган, ичкараси эса кенг кўча, тураржой маҳаллаларига, хунармандчилик-хўжалик ва ибодатхоналарга бўлинган (Сополлитепа, Жарқўтон, Дашли-3, Олтин-10). Асосий қурилиш ашёси лой бўлиб, деворлари пахса билан кўтарилган. Қурилиш амалиётида тўртбурчак хом ғиштдан ҳам кенг фойдаланганлар, бу хийла мураккаб иншоотлар (арклар, гумбазлар) тиклаш учун катта истикболлар очади.

Милоддан аввалги VII-VI асрларда Банди хон II, Қизилтепа, Кучуктепа, Талашконтёпа, Олтин Дилёртепа каби шаҳар типидagi манзилгоҳлар вужудга келади. Бепоён деҳқончилик вилояти маркази ҳисобланган йирик шаҳар-манзилгоҳдар катта-катта майдонларни эгаллаган (15 га гача), мустаҳкам истехком тизимида эга бўлган. Миноралар билан ҳимоя қилинган қудратли муҳофаа деворлари баланд тепаликлар устида қад ростлаган. Девор ва минораларда шинаклар бўлган. Қалъада ҳукмдор саройи жойлашган, шаҳар ҳудуди шоҳроҳдар билан тураржой ва хунармандчилик маҳаллаларига бўлинган, бозор майдони ва ибодатхоналар ҳам шу ерда жойлашган. Шаҳар

⁸ Мозийдан садо журнали.2.2013.2-бет.

атрофида бир-биридан узоқ жойлашган кўрғонлар қурилган бўлиб, уларнинг аҳолиси хавф туғилган пайтларда шаҳар ичида жон сақлаганлар.

“Бақтриянинг табиати бой ва хилма-хилдир. Айрим жойларда мевали дарахтлар ва узумзорлардан сершарбат мўл-кўл ҳосил олинади, минглаб чашмалар бўлиқ ерларни сугоради. Тупроги юмшоқ жойларга бугдой экилади, қолган ерлар яйлосига қолдирилади... Тупроги ҳосилдор ерларда одамлар кўп бўлади. Ушбу вилоят пойтахти Бақтрия Паропамиз (Ҳиндикуш) тоғи этакларида жойлашган. Пойтахт деворлари ёнидан Бақтр дарёси оқиб ўтади. Шаҳар ва вилоятнинг номи шундан келиб чиққан”. Квинт Курций Руф (мил. I аср).

Доро I нинг Бисутундаги битикларига кўра, мил.авв. VI аср бошида Бақтрия Аҳамонийлар давлати таркибида бўлган. Сузадаги шохлар қароргоҳидаги қазилмалардан топилган лой лавҳаларда қайд этилишича, Доро саройи қурилишида Бақтрия тилла етказиб берган.

Ёзувнинг кашф қилиниши, ҳашаматли ва тураржой уйлари бўлган уч қисмли шаҳар қурилиши, хунармандчилик саноати (кулолчилик, темирчилик, қурилиш)нинг ривожланиши тарихчи Помпей Трогнинг қадимий Бақтр подшоҳлиги бўлган деган тахминини тасдиқлайди: “Форс шоҳи Дорони улар Скифия ерларидан шармандаларча ҳайдаб солдилар, Кирни қўшин-пўшини билан қириб ташладилар. Буюк Искандар саркардаси Запирионни худди шу тахлит бутун лашкари билан қириб ташлашди, римликларнинг қуроллари ҳақида узунқулоқ гаплар орқали эшитишган эди, аммо қўл билан ушлаб кўришмаганди.

Шундай қилиб, Бақтриянинг антик ва қадимги тарихини ўз ичига олган катта давр ўз ниҳоясига етган, бу давр ичида бой хўжалик- иқтисодий, шаҳарсозлик, меъморий, маданий ва бошқарув салоҳияти тўпланган эди, шу туфайли ҳам бу вилоят Қадимги Шарқнинг бошқа тамаддунлари билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилган Искандар Зулқарнайн юришлари тарихчилари “Окс орти ерлари”нинг (Амударё) кучли истеҳкомли шаҳарларининг катталиги бениҳоя бўлганидан гувоҳлик берадилар. “Тарихчилар отаси” деб

ном олган қадимги юнон ёзувчиси Геродот (мил.авв. V аср), аҳамонийлар шоҳи Кирнинг фатҳ юришлари ҳақида хикоя қилар экан, унинг Ойкумен давлатига бориш йўлида “Бобил, бақтр халқи, саклар ва мисрликлар бор эди”, деб таъкидлаган эди. Юнон муаллифи Аполлодор Бактрияни “бутун бошли ОРИЁНАнинг беаги”⁹ деб таърифлаганди. Бактрия ҳақида энг кўп мил.авв. 414-398 йилларда Форсда аҳамоний шоҳ Артаксеркс саройида яшаган Кичик Осиёлик грек Ктесий Книдский ёзиб қолдирган: *“Бақтрия вилояти кўплаб шаҳарга эга эди, аммо улардан биттаси ҳаммасидан катта бўлиб, пойтахт ўша шауарда жойлашганди. У Бақтр деб аталарди ҳамда қалъасининг катталиги ва мустаҳкамлиги билан ажралиб турарди. У ерда ҳукмдорлик қилган Оксиарт курул кўтаришга ҷурби етган барчани кўшин сафига кўшди”*.

Бактрия, аввал Искандар империясига, у таназзул топгач, вужудга келган Юнон-Бактрия салтанати ва Кушон давлатига кўпшлганидан кейин пухта режали янги шаҳарлар бунёд этилди (Термиз, Далварзинтепа, Зартепа, Жондавлаттепа, Кампиртепа, Бақтрлар, Дилбаржин, Жағаттепа, Тупроққалъа). Бактрия ҳудудида ўтказилган ялпи археологик-топографик тадқиқотларнинг гувоҳдик беришича, ҳар бир деҳқончилик воҳасида алоҳида йирик ва яхши истехкомланган шаҳар бўлган. У, тахминларга кўра, мазкур вилоятнинг бош маъмурий-ҳарбий, савдо-хунармандчилик ва маданий маркази вазифасини бажарган, бироқ марказий давлат ҳокимиятига тобе бўлган. Бу вилоятлар учун ғалати қонуният қайд этилган: агар қадимги манзилгоҳлар (мил.авв. IV асргача) тоғолди жойларда тикланган бўлса, антик давр шаҳарлари серсув дарёлар ва улардан ажралиб чиққан анҳорларнинг текислик водийсида барпо этилган, бу сунъий суғоришнинг кенг миқёсда қўлланилганидан далолат беради. Шу билан бирга Антик давр шаҳарлари аниқ режали тузилмага эга бўлган (калъа, шаҳар, работ), мустаҳкам истехком билан ҳимояланган (мустаҳкам деворлар, миноралар, ўқ отиш галереялари, шинаклар, кенг хандақ). Антик шаҳарлар тикланишида сув таъминоти

⁹ Мозийдан садо журнали.2.2013.4-бет.

(ерости қувурлари, сардобалар), озиқ-овқат захиралари (омборлар) ва шаҳар мудофаази (тўпхона) сингари шаҳарча ҳаёти учун зарурий жиҳатларга катта аҳамият берилган. Археологик тадқиқотлар натижалари бўйича аниқланишича, Ўрта Осиё Мовароуннаҳр вилоятларининг шаҳар истеҳкомлари ва режавий тузилмаси энг қадимги даврлардан антикликкача бир-бирига ўхшаш тамойиллар бўйича шаклланган ва эволюцион ривожланиб келган. Истеҳкомда бир қанча алоҳида хусусиятлар борлигига қарамай, ягона типология юзага келган:

- шаҳар ҳудудидаги катта баландликда, унинг деворларидан бири ёнида ёки шаҳар ўртасида қад кўтарган қалъа;
- кенг (10 м гача) ва баланд (5-6 м гача) пойдевор, пахса ёки хом ғишт (гувалак)дан қурилган тикланган, теграидан сувли хандақдан бироз ичкари (4 м гача) томонга қия тортиган ёки тўсиқ девор;
- мудофаа деворлари эндор ёки яхлит, ёки деворичи йўлаклари ва жанговар шинаклари билан қад кўтарган;
- мудофаа миноралари тўртбурчак ёки сўйри шаклда, казематлари ҳамда бир-икки қават қилиб жойлаштирилган шинаклари билан;
- дарвозаолди қурилмалар - лабиринтсимон йўлақлар ва осма кўприкдан иборат.

Шаҳар истеҳкоми тиклашнинг бундай тамойили ва услуби мил.авв. I асрда Витрувийнинг меъморчилик бўйича ёзилган рисоласида келтирилади. Жумладан, истеҳком иншоотларини душман шаҳар деворига яқин қилиб қилиши мумкин бўлган шароитда қурилса: “бундай жойларда, биринчидан, иложи борида кенг ва чуқур хандақ (зовур) қазил, кейин хандақ тубидан пойдевор кўтариш ва уни кўтарма яхши тутиб турадган даражада энли қилиш керак”,¹⁰ деган тавсия беради. Девор ва миноралар пойдеворини тиклаётганда Витрувий “хандақни агар иложи бўлса сув чиқадиган жойгача етишини, бўлмаса қурилатган иморат катталигига мос келувчи чуқурликда ва эни бўлажак ерусти деворларидан кенгроқ қилиб қазилиши кераклигини, кейин

¹⁰ Мозийдан садо журнали.2.2013.4-бет.

эса уни тош билан тўлдириб чиқиш” зарурлигини таъкидлайди. Шаҳарсозлик усулларида ҳам жиддий ўхшашликлар кўзга ташланади, чунончи: режа кўпроқ тўғри тўртбурчакли, ички уйлар қатор саф тортган, зодагонлар, оддий фуқаролар, ҳунармандлар маҳаллаларига, эҳромларга олиб борадиган катта-кичик шоҳ кўчалар. Қадамжолар, макбаралар ёки дахмалар, одатда, шаҳардан ташқарида, деҳқончилик минтақаларида қад ростлаган.

Кушон даврида буддавийликнинг йирик маркази Термиз шаҳри бўлган, унинг атрофида ёдгорлик қадамжо иншоотлар (Қоратепа, Фаёзтепа, Зурмала) тикланган, хусусан, Айритом эҳроми алоҳида маҳобатга эга, у ноёб қизил оҳақтош хайкалчалари билан дид ила безатилган. Мукаддас меъморий иншоотлар билан бир қаторда бу даврда жуда катта микдорда данғиллама фуқаро иморатлари қурилган. Булар дастлабки Кушон ҳукмдорларининг Холчаёндаги саройи ва Далварзинтепадаги бой амалдорларнинг ховли-жойларидир. Дарвоқе, ховлиларнинг бирида 1972 йилда ҳозирча Ўрта Осиёда ягона йирик тилла тақинчоклар ва олтин қуймалари хазинаси топилган. Тўпланган фактологик ҳужжатлар мил.авв. I мингйиллик ўрталаридаёқ маҳаллий қурувчилар маҳобатли иморатлар ва тураржой меъморчилиги бинолари қурганлар деб айтишга имкон беради. Улар олдиндан ўйлаб чиқилган режалар асосида ҳандасавий мутаносибликнинг энг оддий услубларидан фойдаланганлар. Биноларга квадрат ёки тўғри тўртбурчак шакл асос қилиб олинган ва улар изчил равишда катталаштирилиб борилган. Асосий ўлчамларни ҳисобга олмаганда, ҳақиқий ижрода алоҳида таркибли бинолар қурилишида қатор хатоларга йўл қўйилган. Антиклик даврида конструкциялар қурилишида ва меъморий ҳажмлар уйғунлигига эришишда материаллар анча-мунча такомиллашган, бу қурилиш сифатининг бирмунча яхшиланишига олиб келган. Антик Бақтрия меъморчилигида типологик кесим юзага келган: зал қулуар айланасида жойлашган; зал хоналар айланасида жойлашган; кўндаланг-ўқ режаси; хочеимон режа. Мажмуалар ва бинолар етакчи турларга айланади, уларнинг композициявий кесими асосида айвон-ҳовли тизими ётади. Айвон-ҳовли тизими аерлар оша Ўрта ва Яқин

Шарқ ўрта аср диний меъморчилигининг юзага келшнига сезиларли таъсир кўрсатган.

1.1.Сополли маданияти

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистоннинг жанубидаги бронза даврига оид ёдгорликларни кенг миқёсда тадқиқ этилиши натижасида ушбу ҳудудларнинг қадимги тарихи ва маданияти тўғрисида бой маълумотлар олинди. Турли йилларда жанубий Ўзбекистон ҳудудларида илк, ривожланган ва сўнгги бронза даври илк деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, урбанизация жараёнлари ҳамда илк давлатчилик масалалари, маданий ва иқтисодий алоқалар, хунармандчиликнинг тараққий этиши масалалари бўйича А.Асқаров, Э.Ртвеладзе, Б.Абдуллаев, А.Сагдуллаев, Т.Ширинов, У.Рахмонов, Э.Сайко, Ш. Шайдуллаев каби олимлар тадқиқот ишлари олиб бордилар. Ушбу тадқиқотлар натижасида бронза даври ўлкамиз жанубий ҳудудларида бўлиб ўтган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт масалалари ва айниқса, ушбу ҳудудларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш асослари ва ривожланиш босқичлари, илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши жараёнларига кўплаб аниқликлар киритилди. Ушбу масалалар бўйича жуда кўп янги маълумотлар фанга жорий этилди ва этилмоқда.

Ёзув - илк цивилизацияларнинг асосий белгиси ҳисобланади. Айрим олимлар, цивилизациянинг белгиси деб, ёзувнинг пайдо бўлишини асос қилиб олсалар¹¹, бошқалари шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ёзув ва ибодатхоналарни цивилизация белгилари деб ҳисоблайдилар¹². К. Ренфрью эса жамоанинг ижтимоий табақаларга бўлиниши, ривожланган хунармандчилик, шаҳар, ёзув ва ибодатхоналарнинг бўлишини цивилизациянинг асосий белгилари деб ҳисоблайди¹³. Албатта, синфий

¹¹ Gelb I.J. The function of language in the cultural process of expansion of Mesopotamian society // City Invincible, and Oriental institute Symposium, 1960.

¹² Klackhohn C. The moral order in the expanding societi // City Invincible, and Oriental institute Symposium, 1960, - P.400

¹³ Renfrew C. The emergence of civilization: The Cuclades and the Aegean in the third millennium B.C. - London, 1972, - P.3.

муносабатларнинг пайдо бўлишида ижтимоий - иқтисодий масалани бош ўринга қўювчилар кўпчиликни ташкил этади¹⁴.

Албатта, жуда кўплаб тадқиқотчилар ёзувни илк шаҳарларнинг ва цивилизацияларнинг асосий белгиларидан бири деб ҳисоблайдилар¹⁵, бу борада Т.Ш. Ширинов янги фикр билан чиқди. У «... урф - одатларга тамомила бўйсунувчи, оғзаки ижод ривожланган, давлат бошқаруви эса кам тараққий этган жамоаларда ёзувнинг бўлишини илк шаҳарларнинг иккинчи даражали белгилари деб ҳисоблайдилар¹⁶.

Бизнинг фикримизча, илк шаҳарлар, шаҳарлар билан бир тарихий жараёнда вужудга келадиган илк давлатлар бошланғич ёзув усули, яъни инсон ўз фикрини ифода этишисиз давлатнинг ҳам вужудга келиши мумкин эмас. Бойликнинг ошиши санокқа, хўжаликни бошқариш жараёнининг мураккаблашиши эса ёзувга эҳтиёж туғдиради.

Қадимги Шарқ тарихига эътибор берайлик. Месопотамияда - энг қадимги шаҳар-давлат Шумерда мил.ав. IV-III минг йилликларда ёзув энг аввал расм, сўнг миҳсимон белгилар кўринишида пайдо бўлган. Мил.ав. III минг йиллик сўнггида Миср иероглификаси пайдо бўлиши билан ягона Миср шоҳлиги вужудга келган¹⁷.

Инсоният тарихида ҳарфларга асосланган ёзувга мил.ав. II минг йиллик сўнггида финикияликлар асос солган. Шу ёзув асосида оромий, грек алфавитлари пайдо бўлган¹⁸. Ўрта Осиёда ҳам араб ёзувига қадар юнон, хитой, оромий ёзуви асосида пайдо бўлган қадимги бахтарий, хоразмий,

¹⁴ Массон В.М. Становление раннеклассового общества на Древнем Востоке // ВИ, 1967, №5. - С. 82-94; Массон В.М. Экономические предпосылки сложения классового общества // Ленинские идеи в изучении истории первобытного общества, рабавладения и феодализма. - М.: Наука, 1970. - С. 58-75; Массон В.М. Экономический и социальный строй древних обществ. - Л., Наука, 1976; Массон В.М. Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций // Древний Восток и античный мир. - М.: МГУ, 1980. - С.12-40; Массон В.М. Основные направления культурно-исторического процесса // Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. М. Наука, 1981. - С. 35-48.

¹⁵ Childe V.G. The urban revolution // Town planning Review. Vol. 21. 1950, - P.9-16; Гуляев В.И. Города государства Мая. (Структура и функции города в раннеклассовом обществе). - М.: 1979. - С. 19.

¹⁶ Аскарлов А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура на юге Средней Азии ... - С.27.

¹⁷ История древнего мира. Часть I. - М.: 1983. - С. 148.

¹⁸ Ртвеладзе Э.В, Саидов А.Х, Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. - Ташкент, 2000.

сўғдий ёзувлари бўлганлиги эътироф этилади¹⁹.

Э.В. Ртвеладзенинг фикрига қараганда, Ўрта Осиё ёзуви пайдо бўлган ҳудудга қирмайди. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунгача бўлган археологик манбалар бу ҳақда ёзишга имкон бермай келди. Қадимги Хоразмда жойлашган Катта Айбуйир қалъа ёдгорлигидан топилган, мил.ав. VI-V асрларга оид ҳумда битилган қисқа оромий ёзуви энг қадимги ёзув ҳисобланади²⁰. Қўй Қирилган Қалъа, Амударё хазинасидан ҳам оромий ёзувида битилган хатлар топилган²¹.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши хусусида Сополли маданияти ёдгорликларидан янги маълумотлар тўпланди. Ушбу диссертацияда шу маълумотлар Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётир. Зеро, Сополли маданиятини Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги цивилизация ўчоғи деб эътироф этилаяптими²², демак Сополли маданиятининг ёзуви тўғрисида ҳам мавжуд манбалар асосида фикр юритиш лозим бўлади.

Маълумки, Сополлитепа сополларига битилган белгиларни А.А. Асқаров жамлаб чоп қилган²³, лекин бу белгиларнинг ёзув эканлиги хусусида муаллиф фикр билдирмайди. Бу белгилар асосан ҳум, кўза каби идишларнинг энг кўринадиган жойларида битилган. Бу белгилар сопол идишлар ясалгандан сўнг, лойлик пайтида чизилган, шундан сўнг идишлар ангобланган ва пиширилган. Пиктографик ёзувлар деб эътироф этилаётган ушбу белгиларни Сополли маданиятининг хронологик даври асосида ёритишни методик жиҳатдан тўғри деб ҳисоблаймиз, негаки идишларда ифодаланган белгилар сони ва шаклининг ўсиб ёки камайиб бораётганлигини кузатиш ҳам муҳим илмий жараён ҳисобланади.

Амударёнинг ўрта ва юқори оқими шимоли ҳамда жанубида жойлашган

¹⁹ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации ... - С. 89-124.

²⁰ Мамбетуллаев М. Хум с городище Айбуйир-кала с древнейшей надписью в Средней Азии // Вестник Каракалпакского филиала АН Уз ССР. 1979. №1. - С. 46-48.

²¹ Зеймаль Е.В. Амударьинский клад. Каталог выставки. - Л., 1979.

²² Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана ... С. 117; Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... С.168.

²³ Асқаров А.А. Сапаллитепа ... - Табл. 31.

ерлар «Авесто» нинг қадимги қисмларида Бахди, форс подшолари миххатларида Бактриш, грек-рим тарихчилари маълумотларида Бактрия ёки Бактриёна, ҳинд манбаларида Бахлика, милонинг бошларига оид хитой манбаларида Дахя ёки То-хо-ло ўлкаси сифатида эслатиб ўтилади. Замонавий тарихий маълумотларга кўра Бактрия ерлари бу - Афғонистоннинг шимолий шарқий қисмини, Жанубий Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубидаги (Сурхон воҳаси) ерларни ўз ичига олган. Ундан ташқари замонавий тарихий адабиётларнинг барчаси ҳозирги кунда Сурхондарё вилояти, Тожикистоннинг Кўлоб ва Қўргонтепа вилоятларини ўз ичига олган ерларни шимолий Бактрия сифатида эътироф этадилар.

Шимолий Бактрия ҳудудларидаги аҳолининг ўтроқ манзилгоҳдари бу ерда Ҳисор маданияти кенг ёйилган даврда, яъни неолит даврида (мил. авв. VI-IV минг йилликлар) пайдо бўлади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда бу даврга келиб «ҳисорлик» овчилар кичик ва йирик дарёлар воҳаларини, Бойсунтоғ ва Қухитанггача бўлган тот ва тоғ олди ҳудудларини ўзлаштирадилар. Бронза даврига келиб эса бу ҳудудларда бошқа кўринишга эга бўлган ҳамда ўзига хос хўжалик шаклидаги янги маданиятлар шакллана бошлайди.

Ушбу маданият соҳиблари яшаган манзилгоҳлардан бири Сополлитепа бўлиб, бу ёдгорлик Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ҳудудида, Қухитангтоғдан оқиб тушувчи кичик дарёнинг қадимги irmoғи бўйида жойлашган. Сополлитепа пайдо бўлган сой маҳаллий аҳоли орасида Улонбулоқсой деб аталади. Сополлитепа Ўзбекистон ҳудудларида ҳозирги кунга қадар аниқ бўлган энг қадимги ўтроқ деҳқончилик қишлоғи бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу маданият қуйидаги бешта асосий босқичга бўлинади:

Сополли босқичи -мил. авв. 1700-1500 йй.

Жарқўтон босқичи-мил. авв. 1500-1350 йй.

Кўзали босқичи -мил. авв. 1350-1200 йй.

Молали босқичи - мил. авв. 1200-1050 йй.

Бўстон брскичи - мил.авв. 1050-900 йй.

Ушбу босқичларнинг саналари тадқиқотчилар томонидан махсус таҳлил этилиб илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, Шимолий Бактриянинг қадимги шаҳарлари узок давом этган тарихий жараёнлар ва турли: ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва табиий-географик омилларнинг таъсири натижасида шаклланиб келган. Қадимги Шарқ ва маҳаллий кўринишдаги урбанистик маданиятнинг уйғунлашуви қадимги Бактрия шаҳарсозлигининг асосини ташкил этади. Кейинроқ эса ўзига хос бўлган шаҳар маданияти мустақил равишда ривожланади.

Мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи чорагида Амударёнинг ўнг қирғоғида аниқроғи, унинг ғарбий қисмида Сополлитепа кўринишидаги дастлабки мустаҳкам қишлоқлар пайдо бўлади. Ушбу қишлоқлар бу ҳудудларда ривожланган бутунлай янги кўринишдаги қишлоқлар бўлиб, неолит даври (Ҳисор маданияти) манзилгоҳларидан ажаралиб гуради.

Сополлитепада тадқиқотлар узок йиллар олиб борган А.Асқаровнинг фикрича, ёдгорлик мустаҳкам асосда қад кўтарган бўлиб, қуйидаги ажралиб турувчи белгиларга эга: икки қисмли тузилиш - мустаҳкам марказий қисм ва унинг атрофида мустаҳкамланмаган манзилгоҳ, унча катта бўлмаган майдон, асосий қисмнинг аниқ режавий тузилиш, саккизта кўп хонали турар-жойлар қисмларининг марказлашуви ва уларнинг йўлаклар билан ажралиб туриши, бўлма (отсек)лари бўлган ҳимоя деворларй. Ундан ташқари, кулолчилик ва металлга ишлов бериш ҳунармандчилиги ҳамда деҳқончиликнинг етакчи мавқега эга бўлиши ҳам Сополлитепа учун хосдир.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, Сополлитепа аҳолисининг асосий машғулоти сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончиликдан иборат эди. Қазилмалар пайтида катта хум кўринишидаги идишлардан ва омборхона вазифасини бажарувчи хоналар сатҳидан топилган арпа, буғдой, тарик донлари ҳамда бутун Сополлитепа мажмуида кўплаб учрайдиган дон янчгич, келисоп, кетмон ва ўроқлар айнан деҳқончилик хўжалигидан далолат беради.

Ундан ташқари, турар-жой қолдиқлари, манзилгоҳнинг тузилиши ва умуман археологах топилмаларнинг кўриниши ҳам манзилгоҳ аҳолисининг қадимги деҳқончилик маданиятига хос бўлган ўтроқ турмуш тарзини ифода этади.

Сополлитепа манзилгоҳи аҳолисининг яна бир муҳим хўжалик тармоғи чорвачилик эди. Қазилмалар пайтида жуда кўгшаб топилган уй ва ёввойи ҳайвонларнинг суяклари айнан мана шу жараёндан далолат беради. Умуман олганда, Сополли маданияти соҳиблари хўжалигида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ва уй чорвачилиги манзилгоҳдаги иқтисодий ҳаётнинг асосини гашкил этган, Ундан ташқари ушбу маданиятга хос бўлган кулолчилик ишлаб чиқаришнинг юқори даражаси, металлга ишлов беришнинг жадал ривожланиши, тўқимачилик соҳасининг тараққиёти каби омиллар манзилгоҳнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сополли маданияти ҳукм сурган давр тарихий-маданий жараёнларига назар ташлайдиган бўлсак, мил. авв. II минг йиллик Амударёнинг ўнг ва чап қирғоғида кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича иккита: Сополли маданияти ва Дашли маданияти ёки Сополли-Дашли маданиятининг икки хил кўриниши кенг тарқалади.

Сополли - Дашли маданиятининг келиб чиқишини таҳлил этар экан А.Асқаров ва Т.Шириновлар Ўрта Осиёнинг жануби, шимоли-шарқий Эрон, шарқий Эрон ва шимолий Афғонистон ҳудудларидаги ўтроқ деҳқончилик шаклидаги археологик мажмуаларни умумий маданий жамоалар сифатида Номозгоҳ трихий-маданий бирлиги (НИКО - Намазгинская историко-культурная обхность) деб аташни таклиф этадилар²⁴. Шунингдек улар НИКОда маҳаллий кўринишлар ва ҳатто, алоҳида маданиятлар бўлиши мумкинлигини инкор этмайдилар. Агар маълум ҳудудлардаги тарихий-маданий жараёнларнинг ўзига ҳослигини, географик жойлашув ва шарт-шароитларни ҳисобга оладиган бўлсак, бу фикрга қўшилиш мумкин.

И.В.Сарианиди жанубий Бактрияда Сополли маданиятига яқин бўлган

²⁴ Эшов Б. Ўрта осийнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Т. "Фан ва технология", 2008.83-бет

археологик мажмуани ўрганган. Аммо, олим бу мажмуаларни "ўзига хос маданият", "махаллий кўриниш", "махаллий маданий жамоа"²⁵ каби тушунчалар билан боғламайди. Кейинги йиллардаги тадқиқотларида бу олим Намозгоҳ VI даврига оид Бактрия ва Маргиёна археологик мажмуалари (БМАК - Бактрийско-Маргианский археологический комплекс) мавжуд эди, деган ғояни илгари сурди. Бронза даврида пайдо бўлган бу маданий бирлик Жануби-Ғарбий Осиёнинг кенг ҳудудларига ёйилади ва В.Сарианидидан кейин бир қатор тадқиқотчилар бу мажмуани «Оке цивилизацияси» деб номланадилар (Лигабой, Салвадори, Франкфорт ва бошқ.) Олимнинг фикрича, БМАКни Намозгоҳ, Олтинтепа, Жарқўтон каби кўринишларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. А.Асқаров ва Т.Шириновлар ушбу фикрга қўшилиб, Жарқўтон ва Сополли мажмуалари (сополлар, металл, тош ва меъморчилик) Маргиёна мажмуи билан ўхшашлик топади деган хулоса чиқарадилар. Шунингдек, уларнинг фикрича, БМАКни шаклланиши Жанубий Туркменистон, шимоли-шарқий Эрон ва шарқий Эрон яъни, НИКО ҳудудларидаги қадимги ўтроқ деҳқончилик аҳолиси кўчишининг натижаси ҳисобланади.

Афғонистоннинг шимоли ва Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган бу давр манзилгоҳлари топографиясини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу кўчишининг йўналиши Термизнинг ғарбида жойлашган Чўчка Гузар ва Шўробқўрғон кечувлари орқали ўтган.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотларга асосланган айрим тадқиқотчилар Зарафшон воҳасини ҳам БМАК ёйилган зонам киритиш мумкин деган фикрни билдирадилар. Шунингдек сўнгги йиллардаги ФА Археология институтга олимлари томонидаи Самарқанддан 60 км жануби ғарбда жойлашган Жом қишлоғи атрофларидаги Галашерикдан ўрганилган 4 та қабр ҳамда Сигиртепа, Бешбулоқ, Қоратепадан топилган топилмаларга қараб ўрта Зарафшон воҳаси ҳам БМАК ёйилган зонага кирган деган фикр билдирилди.

²⁵ Ўша манба .

Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидаги бронза даври кўчит жараёнлари, маданий мажмуалар, топографик ҳолат ва бошқа йўналишлардаги тадқиқотларни таҳлил этиб шундай хулосм чиқариш мумкинки, бу ҳудудларда иккита зона: дашт чорвадор қабилалари жадаллик билан кириб келган шарқий (Шимоли Шарқий Афғонистон ва Жанубий Тожикистон) ва ўтроқ деҳқончилик қабилалари банд этган ғарбий (Шимолий-Ғарбин Афғонистон ва Жанубий Ўзбекистон) зоналарга бўлинади.

Ғарбий зонада деҳқончилик жамоаларининг маркази Балхоб воҳасида бўлган нисбатан кучли уюшмаси шаклланади. Бу уюшма шимолдаги чорвадор қабилаларнинг ҳужумларини муваффақиятли қайтариб турган. Шунингдек бу зонанинг деҳқончилик жамоалари аҳолиси ҳарбий тўқнашувларда иштирок этиб турганлигини Дашлидан топилган кўп сонли ҳарбий қурол- яроғлар ҳам тасдиқлайди.

Шимолий Бактрия қадимги деҳқончилик цивилизациясининг янги ўчоғини аниқлаш имконини берди. Туркменистоннинг жанубий ҳудудларидаги деҳқончилик қабилаларининг шарққа кўчиб ўтиши бу ҳудудларда (Сополли маданиятининг шаклланишига олиб келди. Мазкур маданият тарқалган ҳудудлар - Жанубий Ўзбекистон, Шимолий Афғонистон, Мурғоб воҳаси, Жанубий Туркменистоннинг тоғ олди ҳудудлари, шунингдек, Шимоли-шарқий Эрон ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлилига кўра, мил. авв. II минг йилликда жанубдаги деҳқончилик қабилалари унумдор срларни қидириб шимолий ва шарқий ҳудудларга келадилар. Қадимги Бактриянинг Сополли маданиятига мансуб қабилалар Амударё оқими бўйлаб ҳаракатланиб қадимги Бухоро воҳасининг унумдор ерларига келганлар ҳамда Замонбобо маданиятининг таклланишига иштирок этганлар. А.Асқаровнинг фикрича, Замонбобо қабристони ва манзилгоҳи бир вақтда барпо этилган бўлиб, мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи чорагига мансубдир. Демак, Зарафшоннинг қуйи ва юқори оқимларида мил. авв. III-I минг йиллик бошларида жанубдаги деҳқончилик ва шимолдаги дашт маданиятига яқин маданият соҳиблари

яшаганлар ҳамда улар ўртасида турли маданий алоқалар мавжуд эдики, қадимги аҳолининг бу алоқалари илк шаҳарлар тараққиётига ҳам таъсир этмасдан қолмади.

Антрополшиқ тадқиқотлар натижаларига кўра, сўнгги бронза ва илк темир даврига келиб Ўрта Осиёнинг катта ҳудудларига европоид ирқининг вакиллари тарқалади. Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларидан хусусан, Ўзбекистон, Туркменистон, шимолий Афғонистон, Жанубий Тожикистон ва шимоли-шарқий Эрон ҳудудларидан топилган кўплаб мазор-қўрғонлар буюмлари ва дафн этилганларни антропологик жиҳатдан қиёсий ўрганиш юқоридаги фикрга астойдил бўлиб хизмат қилди.

Олиб борилган археологик ва антропологик тадқиқотлар натижаларини қиёсий таҳлиқин қиладиган бўлсак, бронза даврига келиб Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида баланд бўйли, юқи тор ирқининг вакиллари тарқалган. Шимолий дашт ва чун ҳудудларида эса, жануб аҳолисидан фарқланувчи боши думалок юқи жуда кенг ва чўзиқ бўлмаган қабилалар яшаганлар. Фандл жанубий қиёфади одамлар Урта ер денгизи ирқининг вакиллари деб аталади. Улар Олд Осиё, Месопотамия, Эрон, Афғонистон Ўрта Осиё, Ҳиндистон қаби катта географик ҳудудга ёйилганлар Шимолий қиёфади одамлар Жанубий Сибир ҳудудидан то Қозоғистон, Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий қисми, Урал, Волги бўйи ерларигача тарқалган.

А.Сағдуллаев тадқиқотларига кўра, бронза даврига келиб, Ўрта Осиё ҳудудида қадимги жанубий ва шимолий қиёфадаги аҳоли вакилларининг қўшилиш жараёни бошланади ҳамда айнан мана шу даврда, ўлкамизда яшаб ўтган бронза даври қабилалари Ўзбекистоннинг қадимги халқларига асос солганлар. Бу давр ўлкамиз ҳудудларида мураккаб этник-маданий жараёнлар бўлиб ўтгани билан изоҳланади. Хусусан, жанубий ҳудудлардаги ҳосилдор воҳалар ўтроқ деҳқончилик аҳоли томонидан ўзлаштирила бошланган бўлса, шимолий вилоятларда кўчманчи чорвадор қабилалар тарқала бошлайди. Кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ аҳолининг узвий муносабатлари асосида ижтимоий- иқтисодий ва маданий-этник муносабатлар авж олади.

Сополлитепа аҳолиси ҳақида батафсилроқ маълумотлар мавжуд. Таъкидлаш жоизки, манзилгоҳнинг катта қисмида маданий қатламлар сақланиб қолмаганлиги туфайли ҳисоб-китоблар фақат қалъадаги маълумотлар асосида қилиниб, кейин манзилгоҳнинг барча ҳудудларига жорий этилади. Демак, А.А.Асқаровнинг узок йиллик олиб борган тадқиқотлари натижаларига кўра Сополлитепа қалъасининг умумий майдони 6724 м^2 . Биринчи босқичда қалъада 30 та кичик оила яшаган ва ҳар бир оилага 224 м^2 майдон тўғри келгаи. Иккинчи босқичда 61 та оила яшаган бўлиб ҳар бир оилага 110 м^2 майдон тўғри келган. Учинчи босқичда оилалар сони қисқариб 47 тага тушиб қолади, ҳар бир оилага 143 м^2 майдон тўғри келган. Умумий ҳисоблаб қараганда битта оилага $(224 \div 110 \div 143) : 3 \approx 159 \text{ м}^2$ майдон тўғри келган. Манзилгоҳ умумий майдонини бу сонга бўлсак, Сополлитепада яшаган оилаларнинг тахминий сони келиб чиқади. $40.000 : 159 \approx 251$ оила. Кичик оилаларнинг ўртача сони 5-6 киши. Демак, сополлитепада тахминан 1255-1506 та одам яшаган²⁶.

Амударёнинг ўнг қирғоғида шаклланган Сополлитепа- бронза давридаги дастлабки ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳи бўлиб, дарёдан кечув йўлини ҳимоя қилувчи мустаҳкам олдинги истехком (форпост) сифатида пайдо бўлган. Кейинчалик, ўтроқ деҳқончилик жамоалари шимолий чегараларининг кенгайиши муносабати билан Сополлитепа ўзининг илгариги аҳамиятини йўқота бошлайди ва бўшаб қолади. Асосий марказ вазифаси эса, тоғ дарасидан чиқувчи йўл устидаги мустаҳкам қалъа сифатида пайдо бўлган Жарқўтонга ўтади.

Сополли маданияти муҳрларида инсон қиёфаси тасвири шу вақтгача учрамаган бўлса-да, Жанубий Бактрияда одам тасвири ҳар хил образларда, яъни ҳайвонлар билан жанг қилаётган, боши қуш, танаси одам қиёфасида тасвирланган ёки курсида ўтирган ҳолда ифодаланган муҳрлар кўплаб топилган ва Бактрия варианты деб эътироф этилган²⁷. Жанубий Бактрия

²⁶ Эшов Б. Ўрта осиянинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Т. "Фан ва технология", 2008. 111-бет

²⁷ Сарияниди В.И. Сиро-Хеттское происхождение ... - С. 53-73.

мухрларида инсоннинг ярим яланғоч тасвирларини ифодалаш ҳам характерлидир. Лекин, эротик ҳолатдаги тасвир Бактрия мухрлари учун янгилик ҳисобланади ва Сополлитепадан топилган ушбу мухр Бактрия глиптикаси учун янги мавзу, янги саҳифани очмоқда.

Маълумки, қанотли одамлар тасвири кўпроқ мифологик руҳлар билан, қадимги илоҳлар билан боғланади. В.И. Сарианиди Бактрия глиптикасида қанотли одамлар тасвирининг пайдо бўлишини Хетт маданиятининг таъсири деб ҳисоблайди²⁸. В.И. Сарианиди ғоясининг тўғрилигини қўллаб-қувватлаш учун яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, географик жиҳатдан Хеттликлар Миср ва Месопотамия оралиғида жойлашган. Қанотли мифологик образларни ифодалаш эса Мисрликлар учун характерли мавзу ҳисобланади. Бу образларни Хеттликлар Мисрликларнинг маданий таъсири натижасида қабул қилган бўлиши ва Эрон, Бактрия-Марғиёна маданиятларига ёйилишида катта рол ўйнаган бўлиши мумкин. В.И. Сарианиди фикридан фарқли ўлароқ, бизнинг ўйлашимизча, Бактрияликлар Хеттликлар билан тўғридан - тўғри маданий алоқада бўлмаган, балки билвосита, яъни Хеттликлар Эрон билан, Эронликлар Бактрия билан бевосита алоқада бўлганлар.

1.2.Жарқўтон илк шаҳар маданияти

А.А. Асқаров археология мактабининг Сополли маданияти ва унинг ёдгорликларини ўрганиш борасидаги хизматлари натижасида фанда Сополли маданияти тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилди. Ашёвий далиллар асосида Сополли маданиятининг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари, меъморий услублари, маданий алоқалари хусусида бой археологик маълумотлар тўпланди. Сополли маданияти ёдгорликларининг типологияси ишлаб чиқилди, шу илмий ишланмага асосан Жарқўтон ёдгорлиги илк шаҳарлар тоифасига киритилди.

Жарқўтон ёдгорлигида илк шаҳарларга хос бўлган ибодатхона, шоҳлар саройи, муҳофаа деворлари каби монументал иншоотлар очилган. Шу

²⁸ Сарианиди В.И. Сиро-Хеттское происхождение ... - С. 64.

манбалар асосида Т.Ш. Ширинов илк шаҳарларнинг назарий асосларини Жарқўтон ёдгорлиги мисолида кузатди. Маълумки, илк шаҳарлар билан бир вақтда шаклланадиган илк давлатларнинг пайдо бўлиши тўғрисида ҳам Т.Ш. Ширинов ўз тадқиқотларида илмий мулоҳазалар юритган. Қилинган ишлар ўз олдимизга қўйган мақсадни бажаришимизда анча енгилликлар беради. Хусусан, Сополли ва Жарқўтон ёдгорликлари қабрлари мисолида Сополли маданиятида илк синфий муносабатларнинг шаклланиши масаласи А.А. Асқаров ва В.И. Ионесов томонидан ёритилган бўлса, Жарқўтон олов ибодатхонаси мисолида Сополли маданияти аҳолисининг диний қарашлари А.А. Асқаров ҳамда Т.Ш. Ширинов асарларида ўз аксини топган.

1994-2003 йиллар давомида Жарқўтон ёдгорлигида Ўзбекистон - Германия археологик экспедицияси қўшимча илмий тадқиқотлар ўтказди. Бу қазилмалар натижасида Жарқўтон ёдгорлиги бўйича янги маълумотлар тўпланди. Ушбу қазилмалар асосан Жарқўтон ёдгорлигининг арк, шаҳристон ва некрополь ҳудудларида олиб борилди. Жарқўтон ёдгорлигининг тарихий топографияси борасида янги маълумотлар тўпланди.

Жарқўтон илк маротаба А.А. Асқаров томонидан Қадимги Шарқ цивилизациясига хос илк деҳқончилик маданияти ёдгорлиги сифатида қаламга олинган. Т.Ш. Ширинов ўтказган археологик изланишлар натижасида очилган Жарқўтон олов ибодатхонаси, Жарқўтон шоҳлар саройи, аркнинг мудрофаа деворлари каби монументал иншоотларнинг ўрганилиши тадқиқотчига Жарқўтон ёдгорлигини илк шаҳар сифатида талқин қилишга имкон яратди²⁹.

Тадқиқотчиларнинг умум фикрларига қараганда илк давлатлар дастлаб жамоалар қандай бошқарилган бўлса, шундай, яъни оқсоқоллар кенгаши томонидан идора этилган. Деҳқончилик жамоаларида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши янгидан янги сув иншоотлари - каналларнинг бунёд этилишини тақозо этган. Уруғ жамоалари катта меҳнат ва кўп ишчи кучини

²⁹ Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юге Узбекистана ... – С. 217; Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... - С. 168.

талаб этадиган сув иншоотларини қаздириш ва уларнинг доимий фаолият этишини таъминлай олмай қолган³⁰. Бундай ишларни зўрлик йўли билан, маълум бир қисм аҳоли меҳнатини эксплуатация қилиш эвазига амалга ошириш мумкин эди. Бу ишларни амалдор шахслар, аниқроғи жамоадаги диний ишлар мутасаддилари - мубодлар (коҳинлар) бажариши мумкин бўлган. Илгари улар жамоа аъзолари орасидан сайланган бўлса, энди коҳинлик авлоддан - авлодга ўтадиган бўлган. Коҳинларнинг ибодатхона хўжаликларини ўз хусусий ерларига айлантириши натижасида янги хукмдорлар - шоҳларнинг шаклланишига олиб келган. Кучайиб келаётган янги коҳин-шоҳлар ён атрофдаги ерларни эгаллаб, ўз ҳокимиятларини бутун дарё ҳавзаларига ёйган. Шу тариқа бир ёки бир неча кичик дарё ўзанида илк давлатлар пайдо бўлган³¹.

Биз илк шаҳар-давлат деб ҳисоблаётган Жарқўтон ёдгорлигида хукмдор оила жойлашган сарой ҳамда диндорлар фаолият кўрсатган Жарқўтон олов ибодатхонаси ўрганилган³². Демак, Жарқўтонда давлатчиликнинг энг зарурий шартларидан бири бўлган хукмдорлар гуруҳи тўлиқ шаклланган. Шундай бўлса-да, Жарқўтон ёдгорлигини тадқиқотчилар давлатчиликнинг «чифдом» ёки «карликовое» босқичига оид, деган фикрга келган. Маълумки, фан оламида қилинган янгиликларга кўра, давлатчиликнинг «чифдом» формаси оралиқ форма бўлиб, бошқарув аппаратининг шаклланмаган даврига хослиги билан характерланади³³.

Сўнгги йилларда ёдгорликда ўтказилаётган археологик тадқиқотлар натижасида ушбу ёдгорликнинг топографияси борасида янги маълумотлар

³⁰ Струве В.В. Проблема зарождения, развития и упадка рабовладельческих обществ Древнего Востока // ИГИМК. Вып.77. - Л., 1934. - С. 36; Кудратов С. Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатларда бошқарув тизими ва ижтимоий муносабатлар // О'zbekiston tarixi. 1999, №4, - Б. 3.

³¹ Дьяконов И.М. Община на Древнем Востоке в работах советских исследователей // ВДИ. 1963.- № 1. - С. 34; Кудратов С. Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатларда бошқарув тизими ва ижтимоий муносабатлар // О'zbekiston tarixi. 1999, №4, - Б. 3.

³² Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С. 70-93.

³³ Васильев Л.С. Протогосударство - чифдом как политическая структура // Народы Азии и Африки. - М.: 1981, №6. - С. 157-175; Крадин Н.Н. Вождество: современное состояние и проблемы изучения // Ранние формы политической организации. - М.: 1995. - С. 11-61; Зданович Д.Г. Синташтинское общество: социальные основы «квазигородской» культуры Южного Зауралья эпохи средней бронзы. - Челябинск, 1997. – С.87.

тўпланди, казишмалар ўтказилган тепаликларнинг функционал вазифалари аниқланди, энг муҳими, олинаётган ашёвий манбалар асосида ёдгорликнинг эгаллаган мавқеига янгича назар, янгича қараш, яъни «ном» типигади шаҳар-давлат сифатида қараш ғояси туғилди³⁴.

Жарқўтон ёдгорлиги Бўстонсойнинг чап томонида, табиий тепаликлар устида бунёд бўлган. Жарқўтоннинг қарама-қарши томонида, Бўстонсойнинг ўнг қирғоғида эса Бўстон ёдгорлиги жойлашган. Ҳар икки ёдгорлик мажмуаси Сополли маданиятига оид бўлиб, улар Сополли маданиятининг турли хронологик босқичлари ҳақида маълумотлар беради.

Жарқўтон ёдгорлиги тепаликларида вертикал ва горизонтал стратиграфия қайд этилган. Айрим, масалан №5 ва №6 тепаликларда горизонтал стратиграфия кузатилган бўлиб, Жарқўтон ёдгорлигининг ҳамма даврий босқичлари ашёлари учрайди. Бошқа тепаликларда эса фақат бир ёки бир неча қурилиш даври ашёлари кузатилган (№ 8 тепалик, арк ва бошқа тепаликлар).

Адабиётларда таъкидланиб келинаётган Жарқўтон ёдгорлигининг умумий майдони «100 гектардан ошиқ» деган маълумотни нисбий тушунча деб қараш керак. Ёдгорликнинг горизонтал стратиграфиясини инобатга олсак, ҳеч қачон бир вақтда 100 гектарлик майдонда шаҳар фаолият этмаган. Ундан ташқари ёдгорликнинг қабристон жойлашган тепаликларини шаҳар ҳудудидан ажратадиган бўлсак, янада соддароқ шаҳар планини кўришимиз мумкин. Булар А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновлар ўз асарларида кўрсатиб ўтган «арк» ва унинг атрофида жойлашган саккизта катта патриархал уруғ жамоалари мажмуасидан иборат бўлган «шаҳристон»дир. Тепаликлар баландлиги жиҳатидан бир - биридан унчалик фарқ қилмайди

Жарқўтон ёдгорлиги Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Шеробод дарёсининг кўҳна ўзани Бўстонсой ёқасида жойлашган. Ушбу ёдгорликда 1973 йилдан бошлаб узлуксиз олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида бу ҳудудларда рўй берган урбанизация жараёнларига кўплаб

³⁴ Шайдуллаев Ш.Б. Илк давлатларнинг археологик белгилари // О'zbekiston tarixi. Фан, 2002. №3. –Б. 3-10.

аниқликлар киритиш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, Жарқўтондаги 100 гектардан кам бўл маган ҳудуддан арки аъло, шаҳристон, улкан ибодатхона колдиклари, металл эритувчи печлар, 20 гектарли қабристон, кўплаб моддий маданият буюмлари топиб ўрганилди³⁵. Ундан ташқари Жарқўтон ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар кўҳна шаҳарнинг пайдо бўлиб ривожланган санасини аниқлаш ҳамда ушбу ҳудудларда юз берган тарихий-маданий жараёнларни бир иеча босқичларга ажратиб ўрганиш имкониятини берди

Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, Жарқўтондаги қадимги шаҳар ҳаёти уч босқичга, яъни, Жарқўтон (мил. авв. 1500-1350 йиллар), Кўзали (мил. авв. 1350-1200 йиллар) ва Мўлали (мил. авв. 1200-1000 йиллар) босқичларига бўлинди. Кейинроқ, Жарқўтоннинг карама-қаршисида, Бўстонсойнинг ўнг соҳилида ўрганилган ёдгорликлардаги тадқиқотлар натижасида Мўлали босқичини икки фазага, яъни Мўлали (мил. авв. 1200-1000 йиллар) ва Бўстон (мил. авв. 1000-900 йиллар) фазаларига бўлиб ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Маданиятлараро тарқалган яна бир ашё фаянсдан ясалган топилмалар бўлиб, буйрак шаклидаги «илоҳий» идишлар, кичик ҳажмли коса шаклли идишлар, ҳар хил тақинчоқлар мажмуасидан иборат. Жарқўтон ёдгорлигининг илк даврига оид қатламларидан ушбу идишлар ва тақинчоқлар кўплаб топилганки, бу топилмалар ҳам ёдгорликнинг хронологиясини аниқлашда катта рол ўйнайди (Расм №9; №39; №42). Буйрак шаклидаги фаянсдан ясалган идишлар Месопотамиядан кўра Хараппа ёдгорликларида кўпроқ учрайди. Шунинг учун Дюринг Касперс бу идишларни Хараппа маданиятига хос деб ҳисоблайди³⁶. Олимнинг фикрини Жарқўтондан топилган фаянс идиш ва ундаги «*piral*» дарахтининг ифодаси ҳам исботлайди. Маълумки «*piral*» дарахти фақат Ҳиндистон ва Покистон ҳудудларига хос бўлган ўсимликлар дунёсига киради (Расм №39). Фаянсдан ишланган ва «*piral*» тасвирланган идишлар Ҳинд-Месопотамия

³⁵ Эшов Б. Ўрта осийнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Т. “Фан ва технология”, 2008. 85-бет

³⁶ During Caspers E. Some Motifs as Evidence For Maritime Contact Between Sumer and Indus Valley // Persica, V, 1970. - P. 112-114.

худудларидаги Асмара³⁷, Теллодаги Иштар ибодатхонасидан³⁸, Телл Брак ёдгорлигидан³⁹, Ҳиндистоннинг деярли барча бронза даври ёдгорликларидан топилган⁴⁰. Эслатиб ўтилган ёдгорликлардан топилган, фаянсдан ясалган идишлар Жарқўтондан топилган идишларга ўхшаш бўлиб, мил.ав. XIX-XVIII асрнинг биринчи ярми билан даврлаштирилган.

Бронза даврида маданиятлараро жуда кенг тарқалган, фил суягидан ясалган предметлар бўлиб, улар квадрат, доира, таёқча шаклларидадир. Юза ва ён томонларига айлана кўринишидаги «циркульный» безакнинг чизилиши характерлидир. Таёқча кўринишли фил суягидан ясалган предметларга энг кам, 1-3 та айлана чизилган бўлса, квадрат шаклли предметларда 5-11 тагача, айлана шаклли предметларда эса 9-11 тадан айлана чизилган (Расм №40. 1, 2). Ушбу предметларнинг вазифаси хусусида савдога бағишланган қисмда алоҳида тўхталамиз. Ҳозир эса унинг тарқалиш географияси ва ёши хусусида ўз фикримизни баён этамиз. Ушбу предметларнинг тарқалиш географияси Хараппа маданиятининг тарқалиш географиясига мос келади ва ишонч билан айтиш мумкинки, у Хараппа маданиятининг таъсир доирасидаги худудларда тарқалган. Жарқўтон ёдгорлигининг №4 тепалигидан, Жарқўтон даври қатламидан фил суягидан ясалган иккита квадрат шаклидаги шундай предметлар топилган бўлиб, худди шундай ашёлар Алтын-депе⁴¹, Хараппа, Махенжодаро, Чанхударо⁴², Ироқ худудида Жамдет Наср⁴³ каби кўплаб ёдгорликларда қайд этилган ва мил.ав. II минг йиллик бошлари билан даврлаштирилган.

Демак, C/14 анализлари бўйича Сополли маданиятининг Жарқўтон даврини 1950-1600 йиллар оралиғи деб ҳисоблайдиган бўлсак, худди шу даврларни маданиятлараро тарқалган - хлорид тошдан, фаянсдан, гипсдан

³⁷ Frankfort H. Tell Asmar, Khafadje and Khorsabad // OIP, 16, 1933. - P. 52. - Fig. 32.

³⁸ Parrot A. Le Temple D'Ishtar. - Paris, 1956. - Fig.93.

³⁹ Malloyan M. Excavations at Brak and chagar Bazar. - Iraq, IX, 1947. - P. 39-40.

⁴⁰ Маккей Э. Древнейшая культура долины Инда. -М.: 1951; Mackay E. Early Indus civilizations. -London, 1948.

⁴¹ Ганялин А.Ф. Раскопки в 1959-1961 гг. на Алтын-депе // СА. 1967, 4. - С. 216. - Рис.6.

⁴² Gupta S.P. Archaeology of Soviet Central Asia and the Indian Border lands. Vol.II. B.R. Publishing corporation. - Delhi, 1979. - P.167. - Fig. 3.17.

⁴³ Matthews R.J. Defining the style of the period: Jemdet Nasr 1926-28 // IRAQ, Volume LIV, 1992. - Fig.12

ясалган археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳдидидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарига келиб Жарқўтон ўша ҳудудлардаги деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли қабилалари уюшмаларининг мустаҳкам истехкомига айланади. Афтидан, айнан мана шу истехком орқали Ҳисор тоғ олди воҳалари ва жанубий Тожикистоннинг ғарбий ҳудудларига шимолдаги аҳолининг кўчишлари бўлиб ўтади. Айнан мана шу ҳудудлардан топилган ёдгорликлар топографияси ва уларни даврлаштириш ушбу жараён изчиллик билан бўлиб ўтганлигини кўрсатади. Ундан ташқари яна шу нарса ҳам маълумки, бу жараёнинг ривожланиши мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзи кечирувчи аҳоли манзилгоҳларида аҳоли сонининг ўсиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Бронза даври Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари ҳақида гап кетар экан шуни таъкидлаш жоизки, бу давр ёдгорликлари фақат археологик тадқиқотлар орқалигина ўрганилиб, бу даврдаги сиёсий-маъмурий тузилмалар ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар эса ёзма манбаларсиз, қиёсий таққослаш асоси/м ўрганилади. Айнан мана шунинг учун ҳам тадқиқотчиларнинг ушбу жараёнлар хусусидаги хулосалари кўп ҳоллар/ш тахминлардан иборат. Масалан, А.Асқаров ва Б.Абдуллаевлар бронза даври ривожланишининг Жарқўтон босқичини (мил. анм II минг йиллик ўрталари) ибтидоий жамоа тузуми емирилиш даврига, кўзали ва молали босқичларини (мил. авв. II миш йилликнинг охирлари) эса мулкий тенгсизлик муносабатлари пайдо бўлиши даврига оид деб ҳисоблайдилар. В.И.Сарианиди эса, аксинча, мил. авв. II минг йилликнинг охири I миш йилликнинг бошларида давлатчилик муносабатлари шаклланиб бошлаган Бактриянинг умумий ижтимоий ривожланиш даражасини ошириб юбормасликни тақлиф этади.

Т.Ш. Шириновнинг фикрича, Жарқўтонни Месопотамиядаги «чифдом»

ва «ном» га ўхшаш кичик давлатнинг маъмурий маркази бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Аммо, Месопотамиядаги давлатлардан фаркли ўлароқ, у беқарор сиёсий бирлашма бўлган. Мил. авв. II минг йилликнинг охири - I минг йилликнинг бошларида Урта Осиёнинг жанубида бир неча кичик давлат уюшмалари вужудга келган бўлиб Дашли 3, Гонур 1, Тўғолок!, Улуғтепа, Намозгоҳтепа, Олтиндепа каби Жарқўтон ҳам улардан бирининг маркази бўлган⁴⁴.

Кўпчилик олимларнинг эътироф этишларича, Ўрта Осиёнинг жанубида илк шаҳарлар ва давлат уюшмаларининг пайдо бўлиш жараёни В.М.Массон томонидан нисбатан аниқроқ изоқланган. Тадқиқотчи бу жараёнда иккита асосий босқични ажратади: 1) маълум воҳаларда шаҳар-давлатларнинг пайдо бўлиши; 2) улар асосида йирик ижтимоий-сиёсий тартибнинг шаклланиши.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижаларини умумлаштирган А.Аскарлов Жарқўтонни, умумий майдони 100 гектардан кам бўлмаган шаҳар-давлат сифатида изоҳдайди. Шунингдек, Э.В.Ртвеладзе ўзининг сўнгги йиллардаги ишларидан бирида Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатчилик масалаларига тўхталиб, мил. авв. 2 минг йилликнинг иккинчи ярми-Ўзбекистон жанубида эмбрионал шаклда давлатга ўхшаш тузилма қарор топади, давлатнинг бундай намукаси Жарқўтонда ўз аксини топган дейиш мумкин деган фикрни илгари суради.

Ўтган асрдаёқ фанда ишлаб чиқилган типологияга асосан, илк давлатларнинг нисбатан қадимги шакли (Месопотамияда) шаҳар-давлатлар, «номлар» ҳисобланади. Умуман олганда ном давлатлар, шаҳар-давлатлар, жамоалар ва воҳалар марказларини Жарқўтон мисолида қиёсий таҳлил қилиш мумкин.

Тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, Жарқўтонда манзилгоҳдан ташқарида бунёд эгилган махсус кабристонлар Сополлига нисбатан жамиятнинг ижтимоий ривожланиши юқори даражада бўлганлигидан далолат беради. Ундан ташқари, ички бозор учун маҳсулот

⁴⁴ Эшов Б. Ўрта осийнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Т. "Фан ва технология", 2008.86-бет

ишлаб чиқарган кулолларнинг алоҳида маҳаллалари шаклланиши ҳам жамиятнинг нисбатан юқори даражада ривожланганлигининг муҳим белгиси ҳисобланади. Бу даврда Жарқўтон жамиятидаги кулолчилик ихтисослиги маҳсулот ишлаб чиқаришда устун даражада эди. Ундан ташқари, қабрлардан топилган буюмларнинг сони ва сифати ҳам мулкий табақаланиш нисбатан кучайганлигидан далолат беради. Жарқўтон манзилгоҳдар мажмуи Бўстонсой воҳасида марказлашган ва табиий чегаралар- дашт ва тоғ олди билан чегараланган жамиятни ўзида акс эттиради.

Юқорида таъкидланганидек, Жарқўтон кўринишидаги манзилгоҳлар мажмуини ном давлатлар билан қиёслаш учун етарли қатор умумий белгилар бор. Жумладан, Месопотамиядаги ном давлатлар учун хос бўлган ёзув намуналари Жарқўтондан ҳам топилганлиги қазта илмий аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, яқинда Ш.Шайдуллаев Ўзбекистоннинг жанубидан топилган пиктографик белги - ёзувлар ҳақидаги мақоласини матбуотда эълон қилди. Тадқиқотчининг маълумотларига кўра, Жарқўтон ёдгорлигидан сополларга битилган 47 белгидан иборат ёзувнинг топилиши аждодларимизнинг бронза даврида пиктографик ёзувни яратгани ва ўз фикрини турли белгиларда ифодалаганини кўрсатади. Шунингдек, Шерободдаги Ғоз қишлоғи ёнидаги илк темир асрига оид ёдгорликдан тош ўғир (кели) топилган бўлиб унинг сиртида умумий сони 14 та бўлган гшктографик белги-ёзув мавжуд. Тадқиқотчи бу белгини миср иероглификаси билан солиштириб уларда бири "ҳақиқат", яна бири эса дунёнинг айланиши яъни, "чархпалак"⁴⁵ деб ўқилиши мумкинлигини тахмин қилади.

Юқоридагилардан хулоса ясаб айтиш мумкинки, бронза даври Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида яшаган ўтрок деҳқончилик жамоалари жамият тараққиётининг юқори поғонасида бўлиб, ибтидоийликнинг сўнгги босқичида цивилизацияга ўтадилар. Ушбу цивилизациянинг бошланиш шаҳармонанд (протогород) белгиларни ўзида акс эттиргани Сополлитепа

⁴⁵ Эшов Б. Ўрта осийнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Т. "Фан ва технология", 2008. 87-бет

бўлган бўлса, Жарқўтон айнан йирик шаҳар белгиларини ўзида мужассамлантирган марказ эди. Фикримизча, айнан Жарқўтоннинг ўзи Ўзбекистон ҳудудларидаги илк шаҳарларнинг ёрқин мисоли эди. Шеробод воҳасидаги шу даврга оид Жарқўтон мажмуиға кирувчи манзилгоҳдар гуруҳини эса шаҳар-давлат ёки ном давлатлар сирасига киритишимиз мумкин. Ёки ҳеч бўлмаганда. мил. авв. II минг йилликнинг сўнгги чорагида Шимолий Бақтрия ҳудудларида йирик ва мустаҳкамланган марказларга эга бўлган, ном ёки воҳа кўринишидаги давлатларнинг бошланиш босқичида бўлган ҳудудий-сиёсий бирлашмалар шакллана бошлаган деган ғояни илгари суришимиз мумкин.

Шундай қилиб, Сурхон воҳаси нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудларида илк урбанистик марказлардан бири ҳисобланиб, ушбу ҳудудларда урбанизация жараёнларининг бошланиш санаси 4000 йилдан кам эмас дейишга жиддий илмий асослар бор.

2.Боб.Бақтрия ҳудудида илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши

2.1.Қизилтепа ва Ҳайитободтепа маданиятлари

Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидаги мил.ав.1 минг йилликнинг бошларига оид нисбатан яхшироқ ўрганилган ва айримлари ўзида шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи ёдгорликларга Шимолий Парфиядаги Улкантепа ва Улуғтепа, Марғиёнадаги Ёздепа, Жанубий Бақтриядаги Тиллатепа, Шимолий Бақтриядаги Кучуктепа ва Қизилтепа киради.

Илк темир даврининг йирик ёдгорликларидан бири Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманида жойлашган Қизилтепа кўҳда шаҳри бўлиб, бу ерда 1970-1971 йиллардан бошлаб узок йиллар тадқиқот ишлари олиб борилган. Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, Қизилтепа кўҳ,на шаҳри мил авв. X-V асрларда мавжуд бўлиб, кўпқатламли ёдгорлик ҳисобланади. Қизилтепада кенг кўламли қазилмалар ўтказилиши натижасида аниқланган археологик мажмуалар мил.авв.VIII-V1асрларда Қизилтепа ҳудудларидаги йирик мустаҳкам марказ ўрнида майдони 22 га бўлган, пайдо бўлган ёки шаклланаётган шаҳар мавжуд бўлганлигини кўрсатди. Қизилтепа атрофидан ўндан зиёд кичик манзилгоҳлар гуруҳи аниқланган бўлиб, А.Сағдуллаев уни Қизилча деб номлади ва у Қизилтепанинг қишлоқ хўжалик атрофларини ташкил этган.

Сўнгги 10 йилликларда олинган кўп сонли археологик маълумотлар Бақтрия ҳудудларида мил.авв. VIII-V1асрлар ишлаб чиқариш кучлари ва жамиятнинг бошланғич ячейкаси бир неча кичик жамоалардан ташкил топган уй жамоалари бўлганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Бу ердаги турли манзилгоҳларда турли кўринишлардаги қурилишлар мавжуд эди. Мисол учун, шаклланаётган шаҳар кўринишидаги йирик марказ бўлган Қизилтепанинг маҳобатли қалъаси мустаҳкам деворлар билан ўраб олинган бўлиб, муҳофаа мақсадида бунёд этилган. Бунга ўхшаш аниқ мақсадларни кўзлаб иншоотлар бунёд этиш аниқ шахслар томонидан назорат қилинган ва

рағбатлантирилиги турилганлиги шубҳасиздир.

«Авесто»даги «дахюпати»-вилоят ҳокими, ёки «састар»-ҳарбий бошлиқ мана шундай шахс бўлиши мумкин эди. Улар қаторида Қизилтепа ҳукмдори нафакат Миршоди воҳаси балки, бутун Сурхон ҳавзаси ҳудудларини бошқарган бўлиши мумкин. А.Сагдуллаев бу тахминни Сурхон воҳасининг бошқа ҳудудларидан шу даврга оид Қизилтепа каби йирик ва мустаҳкам ҳимояланган, маҳобатли қурилишлари бўлган, қўшимча мудофаа қурилишлари билан ҳимояланган маданий-мафкуравий ва ижтимоий-иқтисодий марказлар топилмаганлиги билан изоҳлайди.

Бу даврга оид Шимолий Бактриядаги яна бир ёдгорлик уч қаторли деворлар ҳалқаси билан ўраб олинган, 4 метрли пахса асосда қад кўтарган Кучуктепа бўлиб, у катта ва мустаҳкам иншоотни ўзида акс эттиради. Тадқиқотчиларнинг тахминларича, икки қисмдан (мустаҳкам қалъа ва манзилгоҳ) иборат Кучуктепа кўрғони уруғ оқсоқоллари вакиллари билан бирига тегишли бўлган. Кўрғон ташқарисида алоҳида уйлар жойлашган.

А.С. Сагдуллаев Қизилча 6 мисолида Шимолий Бактрия манзилгоҳлари аҳоли сони ҳақида маълумотлар беради. Манзилгоҳ майдони ва уйларнинг сонига қараб ҳулоса чиқарган олимнинг фикрича, аҳмонийларгача бўлган даврда манзилгоҳда 15-20 та одам, Қизилтепа кўҳна шаҳри атрофларида эса 300 та гача одам яшаган.

Қизилтепа Бактриядаги илк темир асрига оид энг йирик ёдгорлик ҳисобланади. Майдони 22 гектарни ташкил қилади. Ёдгорлик ўз ичига қалъа ва унинг атрофидаги мудофаа девори бўлмаган манзилгоҳни қамраб олади. З.Ҳакимов ва А.Сагдуллаевлар томонидан 6 марта қазиш ўтказилиб, 8 та шурф қирқма ташланди.

Ёдгорликнинг шарқий томони яъни қалъанинг шарқида 16 та хўжалик хоналарининг мажмуаси ечилган. Деворлари пахса ва хом ғиштдан барпо этилган. Иккита қирқимда учта қурилиш аниқланган, маданий қатламнинг қалинлиги 6,5 метрга етади. Қалъанинг ғарбий қисмида қаридор даҳлизга ўхшаш хоналар топилган.

Мудофаа деворларини қозиш даврида аввал шаклда соқчи миноралари, ички хоналар ва уларнинг диаметри 2,5 метр тўғри бурчакли шинакларнинг ҳажми 45x20 см.ни ташкил қилади. Қизилтепанинг асосий ҳудудида ҳам ғиштдан қурилган иншоотларнинг қолдиғи ва қалинлиги 3 метрни ташкил қиладиган маданий қатлам очилган. Қўлга киритилган барча археологик ашёвий далиллар А.С.Сагдуллаев томонидан турли даврга оид учта стратиграфик мажмуага қадимгиси Қизил 1 ҳисобланади. Унинг маданий қатламининг қалинлиги 1-2 метрни ташкил этади. Қуйи қатламнинг сополларини 96-97 фоизи нақшли чизмали сополлар бўлиб, Буйрачи 1 ва П Бандихонтепа 1, Жарқўтон ва Кучуктепанинг нақш-чизмали сополларига ўхшайди.

Қизил II маданий қатламининг қалинлиги 0,8 метрдан 3 метргача этади. Деярли 70 % и кулол чархида тайёрланган сополлардан иборат.

Идишларнинг аксарияти цилиндр конус шаклидаги хум ва хумчалар илгаксимон гардишили, коса, банки ва бошқа идишлар ҳам шу шаклда ясалиб, Буйрачи II, Кучуктепа ва бошқа ёдгорликдан топилган идишларга мос келади.

Қизил III нинг маданий қатлами 0,7 метрдан 2,5 метргача бўлган. Қалинликда намоён бўлади. Цилиндр конус шаклидаги идишлар кулол чархида ишлаб чиқилган. Бу даврда илгаксимон гардишли идишлар йўқолиб, ўрнига учбурчакли гардиш билан ишлаб чиқарилган идишлар купайди. Банка ва косалар ўткир қиррали қуйи қисми эса пасайиб боради. Қизил IIIнинг сополлари мажмуасини А.С.Сагдуллаев Ғозимуллатепа, Талашқонтепа, Кучуктепа, Болдойтепа сополларига мос деб белгилайди. Ва қуйидаги саналарни таклиф қилади.

Қизил I мил.авв. 1000-700 йиллар Қизил II мил авв 700-550 йиллар Қизил III мил авв 550-400 йилларни ўзида акс эттиради.

Бу ёдгорликларнинг атрофида А.С.Сагдуллаев илк темир асрига оид 11 та кичик ёдгорлик ҳовлиларнинг Қизилча 1-XI умумий номи остида ўрганиб чиқди. Улар 3 та гуруҳни ташкил қилади. Худди шу суғорилиш районида

Қоратепа ва Чорғултепа каби ёдгорликлар ҳам ўрганилган.

Сангардак тўпаланг суғорилиш райони Миршоди суғорилиш районида 30-35 км шимолий-шарқда жойлашган. У сангардакдарё суви билан суғорилган қуйи оқими Бойсунтовдан бошланувчи Қизилсув ва Тўпаланг билан суғорилган. Мазкур воҳада эрамиздан аввалги 1 минг йилликнинг биринчи ярмига оид тўртта ёдгорлик тадқиқи этилди.

Ўрта Сурхон суғорилиш тумани биринчи бўлиб А.С.Сагдуллаев томонидан қайд этилган. Бу ерда илк темир асрининг иккита ёдгорлиги Бандихонтепа ва Ҳайитободтепа жойлашган.

Оазис Жарқўрғоннинг шимолидан Бандихоннинг қуйи оқимигача бўлган ҳудудни ўз ичига олади.

Ҳайитободтепа ёдгорлиги Жарқўрғон шаҳрида 7 км шимолда Сурхондарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ёдгорлик Л.И.Альбаум томонидан кейинчалик Э.В.Ртвеладзе томонидан ўрганилди. Мудофаа девори устида К.Собиров томонидан қирқма очилиб, унинг қатламлари ўрганилди.

Шаҳар харобаси 50х40 м ҳажмда қалъа қисмидан иборат бўлиб, у Шахристоннинг жанубий-ғарбий бурчагида жойлашган. Шаҳар харобаси тўғри бурчакли шаклда бўлиб, ғарбдан-шарққа 310 метр шимолдан –жанубга 220 метр чўзилган. Шаҳар қалин девор билан ўраб олинган бўлиб, баъзи жойда унинг баландлиги 10 метргача етади.

Унинг атрофи хандоқ билан ўраб олинган. Ҳозирги пайтда унинг ўзанидан ариқ оқади. Деворнинг қатламларини бир неча жойида айлана шаклга эга бўлган соқчи миноралари аниқланган. Шаҳарнинг ёши К.Собиров қазишмаси асосида белгиланди. Ёдгорликнинг қуйи қатламларида қадимги Бактрия даврига оид мудофаа деворларининг қолдиқлари топилган. Бу қатламдан цилиндр шаклидаги сопол идишлар топилганлиги қайд этилади.

1986 йилда Ўзбекистон рсеупбликаси Фанлар Академияси Археология институтининг Сурхондарё гуруҳи Ҳайитобод тепада археологик илмий тадқиқот ишларини бошлаб юборди.

Аҳманийларгача бўлган даврда Жанубий Сўғд ҳудудлари ҳам ўтроқ деҳқончилик қабилалари томонидан жадаллик билан ўзлаштирилади. Айрим тадқиқотчилар Жанубий Сўғд Марғиёна ва Бактрияга ҳудудий жиҳатдан яқин бўлиб, улар билан битта тарихий-маданий бирлик-ўлкани ташкил этган деб ҳисоблайдилар.

2.2.Бактрия ва Сўғд шаҳар маданиятининг ўзаро алоқадорлиги

Ўрта Осиёнинг яна бир қадимги давлати - Бактрия подшоҳлиги бўлган. Унинг таркибига ҳозирги Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Тожикистоннинг жануби, Афғонистоннинг шимоли-шарқий ерлари кирган. Бактриядаги кўпдан-кўп йирик шаҳарлар орасида Бактра машҳур бўлиб, мамлакатнинг пойтахти ҳисобланган. Бактра баланд ва мустаҳкам муҳофаа деворлари билан ўралган, унда подшоҳ қалъаси алоҳида ажралиб турган.

Рим тарихчиси Курций Руфнинг шаҳодат беришича, «Бактра дарёси номидан шаҳар ва вилоятнинг номи келиб чиққан». Умуман тарихий маълумотларга асосланадиган бўлсак, қадимги давлатлар номлари кўпинча дарё, қabila, халқ ёки шаҳарлар номига қиёсан келиб чиққан бўлади.

Бинобарин, «Бактрияликлар», «Бактрия халқи» иборалари жуда қадимги манбаларда тилга олиниб, битта халқни ёки бир неча қариндош қабилаларни бирлаштирган ҳудудий тушунчани англатади.

«Авесто» китобида ҳам Бактрия «Энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бири бўлган, баланд байроқли, гўзал ўлка» сифатида таърифланган. Бу хилдаги фикр-мулоҳазалар Бактрия ўз даврининг йирик давлатларидан бири бўлганлигидан далолат беради.

Ктесий маълумотича, Бактрияга қарашли Вахш водийси оби-ҳаётга мўл-кўллиги, унумдор ерлари кўп бўлганлигидан, бу ҳудудда деҳқончилик маданияти тараққий топган, аҳоли боғдорчилик, мевачилик маҳсулотлари етиштиришда омилкор бўлган. Қашқадарё воҳасининг милoddан аввалги VIII-VII асрларга оид Сангиртепа, Янгитепа, Чироқчитепа, Ерқўрғон сингари

аҳоли манзилгоҳларини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу жойларда ўтроқ турмуш кечирган қавм, элатлар деҳқончилик билан фаол шуғулланганлар. Худди шундай фикрни Сўғдиёна ҳудудларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Қулай табиий-жуғрофий шароитга эга бўлган Омонқўтон, Гурдара, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ маконларида яшаган аҳолининг маданий ҳаёти ҳам анча тўлақонли кечган.

Бақтрияда олтин, лаъл каби қимматбаҳо маъданлар кўплаб миқдорда казиб олиниб, улар тегишли ишлов беришдан сўнг юрт эҳтиёжи учун, қолаверса, хорижий эллар учун тайёр маҳсулот ҳолига келтирилган. Бақтрия лаълига узоқ Хитой, Миср, Ҳиндистон сингари мамлакатларда ҳам талаб-эҳтиёж катта бўлган. Бақтрияда қимматбаҳо маъданлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши бу юртда махсус ҳунармандчилик тури - заргарлик, бадий ҳунар тармоғининг ривож топишига олиб келган. Буни 1877 йилда Вахш ва Панж дарёларининг Амударёга қўйилиш ерида топилган «Амударё хазинаси» топилмаси тимсолида ҳам кузатиш мумкин. Топилмалар орасидаги 179 та олтин ва 7 та кумуш заргарлик буюмлари қадимги Бақтрияда нафис ҳунармандчиликнинг ўсганлигидан далолат беради. Бу хазина аслида Бақтрия ҳудудига қарашли Тахти-Сангин шаҳарчасидаги ибодатхонага тегишли бўлган. Улар Лондондаги Британия музейига (1897) олиб кетилган.

Искандар вафотидан кейин (323 йил) мил. ав. IV аср охирларидан (312 й) то мил. ав. III аср ўрталаригача Туронзамин ҳудудлари алоҳида сатрапликлар (бекликлар) сифатида салавкийлар сулоласи томонидан идора

этилади. Искандарнинг истеъдодли саркардаларидан бўлган Салавк ва унинг ворислари икки дарё оралиғи (Тигр ва Ефрат)дан тортиб то Ўрта Осиё, Хитойнинг ғарбий чегаралари, шимолий Ҳиндистонга қадар бўлган катта ҳудудларда ўз ҳукмронлигини амалга оширган. Юнонларнинг бу ҳудудларни бошқариши, уларнинг халқларини итоатда тутиши ғоятда мураккаб шароитларда кечган. Негаки, табиатан эрксевар Ватанимиз халқлари юнонлар зулми ва асоратига қарши тўхтовсиз кураш олиб борганлар. Бунинг оқибатида Салавкийлар давлати тобора заифлашиб, ичдан емирила боради.

Мил. ав. III аср ўрталарига келиб Туронзамин халқлари салавийлар ҳукмронлиги таъсиридан халос бўлишга ва ўз мустақил давлат тузилмаларини вужудга келтиришга муваффақ бўлади. Шу билан бирликда юнонларнинг шарқий ҳудудларда хийла узоқ давом этган ҳукмронлиги давомида юнон маданияти бу ҳудудларга ёйилиб ва айни пайтда Шарқ халқлари маданияти билан ўзаро сингишиб, бир-бирини бойитиб бордики, бу ҳол эллинизм номи билан машҳур бўлди. Эллинизм маданияти турли халқлар маданиятини ўзида мужассам этган илғор тарихий ҳодиса сифатида ўз даврида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ватанимиз халқларининг салавийларга қарши озодлик кураши муваффақиятли якун топгач, Бактрия салавийлар салтанатидан ажралиб чиқади ва мил.ав. 250 йилда унинг давлат мустақиллиги қайта тикланади. Унинг таркибига Бактрия (ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё, Тожикистон жануби), Суғдиёна (Зарафшон воҳаси), ҳозирги Афғонистоннинг шимолий, Турманистоннинг шарқий ерлари – Марғиёна ҳам кирган. Бу давлатнинг Юнон-Бактрия деб аталишининг боиси шундаки, унинг маркази Бактрия ҳудудлари эди, ҳукмдорлари эса асосан юнон аслзодалари бўлган.

Қадимги Шарқ археологиясининг бир бўлаги сифатида қаралган бўлса⁴⁶, В. Дяконов тадқиқотларида Бактрия манзилгоҳининг шаҳарлашиш жараёнига асосий эътибор қаратилган⁴⁷. Лекин мазкур манзилгоҳ тарихини ўрганишда рус олими В. Массон тадқиқотларини қайд этмаслик нотўғри бўлади. Мазкур олим Бактрия манзилгоҳининг вужудга келиш жараёни, унинг ҳудудий хусусиятлари, аҳолининг жойлашуви, машғулотлари, моддий ва маънавий маданияти ҳақида кенгроқ маълумот берган⁴⁸лиги характерлидир.

⁴⁶ Qarang: Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых раскопок. – Москва, 1956. – 325 с

⁴⁷ Qarang: Дьяконов И. М. Города-государства Шумера. История древнего мира. Том 1. – Москва, 1983; O'sha muallif: Ранние деспотии в Месопотамии. История древнего мира. Том 1. – Москва, 1983.

⁴⁸ Qarang: Массон В. М. Экономика и социальный строй древних обществ (в свете данных археологии). – Ленинград, 1976; O'sha muallif: Алтын-депе. – Ленинград, 1981.

Мустақил Юнон-Бақтрия давлати унга асос солган, ўзини шоҳ деб эълон қилган Диадот I, унинг ўғли Диодот II даврларида бир мунча юксалади. Бу жараён Евтидем I ва у бошлаб берган евтидимийлар сулоласи бошқаруви даврида янада кучаяди. Бақтрия давлати сарҳади кейинчалик Шарқий Туркистон, Шарқий Эрон, шимолий-ғарбий Ҳиндистон, Синд ўлкаси ҳудудларигача кенгайган. Унинг ҳўжалик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳам анча юксак даражага кўтарилганлигидан гувоҳлик беради. Шимолий Афғонистоннинг Ойхонум, Тожикистоннинг Кўҳнақалъа, Қайқободшоҳ, Сурхондарё вилоятининг Далварзинтепа, Зартепа ва бошқа жойларида олиб борилган археологик тадқиқотлар қадимда бу шаҳар - қалъаларда тўлақонли ҳаёт тарзи ҳукм сурганлигидан, уларда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва бошқа касб турлари раванқ топганлигидан далолат беради. Шу боисдан ҳам Юнон олими Юстин Юнон-Бақтрияни минг шаҳарли давлат деб бежиз таърифламаган. Бу давлатнинг пойтахти Бақтра номи билан аталган. Бу шаҳар халқаро қарвон савдоси - Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашганлигидан, унда савдо-ҳунармандчилик соҳалари бир мунча ривож топган. Мамлакатнинг Эрон, Ҳитой, Ҳиндистон, сингари ўша даврнинг ривожланган давлатлари билан олиб борган савдо-тижорат муносабатлари асосан мана шу шаҳар орқали ўтган. Шунингдек, эски Термиз, Марв, Қайқободшоҳ, Кўҳнақалъа, Мароканда (Самарқанд) сингари шаҳарларнинг ҳам савдо-сотиқнинг йирик марказлари сифатидаги мавқеи юксак бўлган. Юнон-Бақтрия давлати ўзининг пул бирлигига эга бўлган. Олтин, қумуш ва мисдан танга пуллар зарб этилиб муомалага чиқарилган. Бундан ташқари бу мамлакатда турли хил дон экинлари, серунум ерларида узумзор боғлар кўп бўлган, шарбатли мевалар етиштирилган. Бу ҳол унда деҳқончилик маданияти ўсганлигидан, сунъий-суғориш иншоотлари тизими кенг тармоқ отганлигидан яққол далолатдир. Гарчанд Юнон-Бақтрия авлатида қулдорлик муносабатлари мавжуд бўлса-да, бироқ унда эркин деҳқон жамоалари меҳнати салмоқли роль ўйнаган. Бу эса ишлаб чиқариш

жараёнларининг нисбатан тез ўсишига, шаҳарлар ҳаётининг ривожланишига муҳим туртки берган.

Милоддан аввалги II аср ўрталарига келиб бир қатор ички ва ташқи вазият тақозоси билан юз берган кескин ўзгаришлар оқибатида Юнон-Бақтрия давлати тушкунликка юз тутди. Бунинг муҳим сабабларидан бирикўшни Парфия давлатининг кучайиб кетиши ва ўз ҳудудларини Юнон-Бақтрия ҳисобига кенгайтиришга интилиши бўлди. Бу ҳол Юнон-Бақтрия давлатини мушкул аҳволга солиб қўйди. Тез орада Ҳинд ерлари ҳамда Суғдиёна унинг таркибидан ажралиб кетди. Мамлакатнинг шимолий ва шарқий ҳудудларига эса шарқдан келган кўп сонли катта юэчжи қабилаларининг ҳужуми кучайиб, улар аста-секин Фарғона, Сурхондарё ҳудудлари сари силжий боради. Бунинг натижасида 120 йилча мустақил давлат сифатида мавжуд бўлган Юнон-Бақтрия давлати ҳалокатга учради. Ўрта Осиёда славкийлар ҳукмронлигининг инқироzi натижасида мил. ав. III аср ўрталарида вужудга келган мустақил давлатлардан яна бири Парфиядир. Бу давлатга парн Гиркания (Каспий) денгизининг жанубий-шарқида яшаган қабиласининг йўлбошчиси Аршак асос солган. Аршакийлар сулоласининг узоқ ҳукмронлиги унинг номи билан боғлиқ.

Ўрта Осиё цивилизацияси жаҳон тарихи тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, минтақа илк шаҳарлари Қадимги Шарқнинг маданий, иқтисодий ва сиёсий шаҳар марказлари билан узвий алоқада ўзига хос йўналишда тараққий этган. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудларидаги илк шаҳарсозлик ва давлатчилик жараёнлари ҳам Қадимги Шарқ цивилизациясининг муҳим бўғинини ташкил этган. Ўрта Осиё ҳудудларида энг қадимги даврлардан бошлаб турли тарихий-маданий жараёнлар тараққий топган. Минтақа қулай географик жойлашувга эга бўлиб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини иқтисодий ва маданий алоқалар тизимида бир-бирига боғлаб турган.

Урбанизация жараёнларини тадқиқ этиш жаҳон тарихи фанининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Қадимги шаҳар маданияти заминида ўзбек давлатчилигининг асосий омиллари ва пойдевори ётади. Шаҳарсозлик

ва давлатчилик тарихи масалаларини ўрганиш зарурияти Республика Президенти И.А.Каримов томонидан махсус таъкидлаб ўтилди⁴⁹.

Илгариги давр тарихий адабиётларда кам ҳолларда «Ўрта Осиё цивилизацияси», «Турон-Мовароуннаҳр цивилизацияси» тушунчаси ишлатилар эди. «Ўзбекистон цивилизацияси» деган сўз эса умуман тилга олинмаган эди. Сўнгги йилларда турли шаҳарларнинг юбилейлари муносабати билан ўтказилган махсус илмий-тадқиқотлар ва янги кашфиётлар натижасида Ўрта Осиё урбанизацияси муаммоларига қизиқиш янада кучайди ва турли қадимги шаҳарларнинг тарихи ёритилди. Тўпланган илмий маълумотлар, фанга жорий этилган далиллар Ўрта Осиё шаҳарлари тарихини янги асосларда тадқиқ этиш, илмий ёндашувлар ва коинцепцияларни умумлаштиришни долзарб вазифалардан бирига айлантирди.

Машҳур археолог олим Б.А.Рибаковнинг фикрича, археологиянинг тарихийлиги нафақат тарихнинг турли даврларидаги воқеаларни ташқи боғланиши ва изчиллигига қараб тасвирлабгина қолмасдан, ўбалки қатор муҳим тарихий муаммолар: хўжалик тарихи, ижтимоий ривожланиш тарихи, дин ва санъат, этногенез ва қадимги қабилалар миграцияси тарихи, давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари, антик ёки ўрта аерлар шаҳарлари масалалари, савдо-сотиқ тарихи, маданиятларнинг ўзаро алмашинуви каби масалаларни ўрганиш билан изоҳланади.

Ҳақиқатан ҳам, моддий маданият-тарихнинг энг қадимги босқичларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланиб, жамиятнинг олға қараб ривожланиш хусусиятларини ва қонуниятларини кўп миқёсли турли-туман материаллар орқали очиб беришга имконият яратади.

Айни пайтда, ҳақиқий тарихни очиб бериш мақсадида археологик манбаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш талаб этилади. Ушбу услубий ёндашув тўлалигича шаҳар маданиятининг дастлабки босқичлари учун ҳам хосдир. Бу жараёни ўрганиш учун тарихий ва археологик ўрганиш

⁴⁹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз кслажак йўқ. Т. "Шарк", 1998

услугларининг таҳлили ўта муҳимдир.

Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари ва шаҳар манзилгоҳларининг ўрганилиш тарихи 100 йилдагидек вақтни ўз ичига олади (бу жараён хазина изловчилар ва ҳаваскорлар қизиқмаларидан бошланиб, кўп ҳолларда илмий услубга риоя қилинмаган). Бу даврда кўп сонли мақолалар ва тўпламлар, минтақанинг маълум вилоятлари (Парфия, Марғиёна, Хоразм, Бактрия, Сўғд, Фарғона ва Чоч) илмий маданияти тарихига бағишланган монографиялар бўлимлари нашр юзидан кўрилади.

Ўзбекистоннинг қадимги тарихини тадқиқ этишдаги мураккаб муаммолардан бири - Ўзбекистон цивилизацияси ва давлатчилигининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш босқичлари қисқартирилиб, бу жараёнда шаҳарлар шаклланишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолат цивилизация ва давлатчилик урбанистик хусусиятларни ўзида акс эттирувчи қонуниятга эга жиҳати билан изоҳланади. Чунки, ҳар бир тарихий даврда айнан шаҳарлар давлат салоҳиятининг маъмурий, ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий марказлари сифатида мавжуд бўлган. Шаҳарларда ҳунармандчилик ишлаб чиқариш ва савдо- сотиқ, бошқарув тартиби ва ҳарбий гарнизонлар, ўз даврида етакчи бўлган динларга хос ибодатхоналар марказлашган ва фаолият кўрсатган. Шунинг учун ҳам ўлкамиз тарихи ва маданиятини ёритувчи турли даврларга оид тарихий ва тарихий- географик манбаларда соғиначилар Ўрта Осиё шаҳарларига катта эътибор қаратганлари тасдиқий ҳол эмас.

Айни вақтда шаҳарларнинг шаклланиши мураккаб ва узоқ давом этган жараёنлигини ҳам таъкидлаш жоиздир. Шаҳарлар давлатчилигининг дастлабки босқичларидаёқ пайдо бўлиб, унинг ривожланиши, гуллаб- яшнаши ва инқирозий ҳолатларини ўзида акс эттиради. Аммо давлатлар тараққиётининг илк босқичлари ёзма манбаларда жуда кам акс этган бўлса, илк шаҳарлар ҳақида деярли маълумотлар учрамайди. Ёзма манбалар урбанизация масалаларининг бу жараён гуллаб-яшнаган даври ҳақида маълумот беради, холос.

Археологик материаллар бу жараёни илк босқичларини ўрганиш, тушуниш ва англаб етиш учун муҳим бўлган ҳамда шаҳар тизимининг асосий жиҳатлари - бошқарув ҳокимиятининг белгиси бўлган ҳарбий-мудофаа ва маъмурий, риволсланаётган давлатчилик белгиси бўлган ижтимоий-иерархик хусусиятлар, турли хунармандчилик-ишлаб чиқариш белгилари, савдо-сотиқ ва маданият алмашувининг марказлари, диний эътиқодлар марказларининг белгилари каби кўплаб шаҳарлар тарихи ва ривожини акс эттирувчи томонлар асосан, археологик гопилмаларда ўз ифодасини топади.

Ўрта Осиё, Туркистоннинг қадимги муҳим тарихий-маданий ўлкаларидан бири суғд ҳисобланади. Суғд илк марта аҳамонийлар сулоласи вакиллариининг қоятош хотирот битикларида Суғуда шаклида қадимги Эрон салтанатига тобе сатрапликлардан бири, мамлакат номи сифатида қайд этилган. Юнон манбалари Согдиана.

Суғд сўзи маъноси фанда турлича талқин этилиб келинади. Хусусан, Сўғ “ёнмоқ”, “порламоқ”, “куймоқ”. Бундан Суғдни “Муқаддас илоҳий олов (Зардуштийлик тасаввурига кўра)билан покланган ер” каби маънода талқин этишга ҳаракат қилинган (В.Помашек). Авестода Суғд мамлакат номи сифатида қайд этилган. “Ардвисура Яшти - (“Обод Яшт”) ва Ардви (Амударё), Ишката, Парута, Моури, Суғуда ва Хваразм томон ҳаётбахш сувларини элтади деб таъкидланади. Авестонинг Видевдат қисмида Ахурамазда ва у ерда суғдлар яшайди деб кўрсатилади.

Суғд мамлакати уч тарихий-географик ҳудудни бирлаштирган. Самарқанд Суғди ва Қашқадарё Суғди. Тарихан ва географик жиҳатдан Самарқанд Суғди бу Марказий Суғд, Бухор Суғди-Ғарбий Суғд, Кеш ва Нахшаб вилоятлари Жанубий Суғд яъни Қашқадарё ерлари ҳисобланади. XI аср давомида Суғднинг тарихи ва маданиятини ўрганиш ўлкашунослик ва коллекционерлик даражасида олиб борилди. Суғд ҳудудида илк бор илмий асосда ташкил этилган археологик тадқиқотлар В.Л.Вятык номи билан боғлиқ бўлиб, унинг натижасида Афрасиёб Яқинида Хўҳалда Улуғбек

расадхонасининг очилиши билан бошланган. XX асрнинг 20-30 йилларида Пойканд, Варахша ва Афрасиёбларда қисман археологик тадқиқотлар олиб борилди ва унинг натижалари эълон қилинди.

Суғд тарихини ва маданиятини ўрганишда муҳим босқич бу Муғтоғидан суғд ҳукмдори архивнинг топилиши бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Суғд ҳудудида унинг Ўзбекистон шунингдек Тожикистон қисмларида йирик тадқиқот ишлари олиб борилди ва унинг натижаларига бағишлаб қатор асарлар яратилди.

Мустақиллик йилларида Суғд тарихининг қатор жиҳатлари янгича карашлар билан ёритилди. Самарқанд, Шахрисабз, Қарши ва Бухоронинг 2750, 2700, 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик муносабати билан бу шаҳарлар ҳудудида кенг кўўламда археологик тадқиқот ишлари олиб борилди ва шаҳарлар тарихи, маданияти, санъати, меъморчилиги ва ҳунармандчилигига оид қатор асарлар нашр этилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Суғд географик жиҳатдан уч катта ҳудудга бўлинади. Булар Самарқанд Суғди, Бухоро Суғди ва Қаўқадарё Суғдлилардир. Табиийки, бу ҳудудларнинг тарихи, археологик жиҳатдан ўрганилиши тарихи ҳар бир ҳудудга бағишлаб яратилган фундаментал монографик тадқиқотларда ҳам баён этилган. Хусусан Самарқанд Суғди маркази Афрасиёб (Мароқанд)нинг ўрганилиши тарихи 1970 йилда икки жилд шаклида нашр этилган “Самарқанд тарихи” китобининг биринчи жилдида баён этилган ёки Афрасиёб ёдгорлиги тарихига бағишланиб рус тилида 1969-1975 йилларда “Афрасиёб I; Афрасиёб II; Афрасиёб III; Афрасиёб IV ” деб номланган тўрт тўпланган эълон қилинган бўлиб, шулардан биттаси бевосита В.А.Шишкиннинг мақоми бўлиб, Самарқанд ва унинг атрофини ўрганилиши тарихига бағишланган⁵⁰

Нахшаб (Никшана) яъни Қарши воҳасида XX асрнинг 40-70 йилларида амалга оширилган тадқиқотлар натижалари тарихи С.К.Кабановнинг икки

⁵⁰ Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарқанда и его окрестностей // Афрасиёб, Тошкент, 1969, с.3-122

асарида “Нахшаб қадимги ва илк ўрта асрлар оралиғида” ва “Нахшабнинг III – VII асрлар қишлоқлари маданияти” асрларида баён этилган.

Панжикент ва Муғ хужжатларини ўрганилиш тарихига оид асар ва мақолалар чоп этилган. “Муғ тоғидаги кўшк” тўпламида баён этилган бўлса, Панжикент тарихи, хусусан унда 1946 йилдан буён узлуксиз равишда амалга оширилаётган тадқиқотлар натижалари Панжикент меъморчилиги, бадий санъати, хунармандчилиги, тангалари бағишланиб чоп этилган “Қадимги Панжикент деворий суратлари; А.М.Беленицкий томонидан эълон қилинган ” “Панжикентнинг монументал санъати”, “Суғднинг металл буюмлари”, А.М.Беленицкий, В.И.Распаковка ҳамкорликда нашр этган “Қадимги Панжикент” каби рисоаларда, В.А.Шишкиннинг “Варахша” деб номланган китобида ва ҳ.к. асарлада баён этилган.

Македониялик Александрнинг Урта Осиёга юриши мил. авв. 329 йилда Ҳиндикуш (Кавказ қоялари)дан ўтиб Бактрияга бостириб келиши билан бошланган Шундан сунг унинг қушини Бактрия шаҳарларидан бири Драпсакани (тахминан Афғонистоннинг Андаробод шаҳри ҳудуди), Аорн (Олтин - Дилёртепа Балх ҳудуди) ва Бактрани эгаллайди. Бу даврда Бесс атрофидагилари билан Оке (Амударё) дан ўтиб Суғд вилояти Наутакага кетади (ҳозирги Қарши воҳаси). Уни таъкиб этиш мақсадида Птоломей бошчилигидаги армиянинг бир қисми юборилади ва Бесс Наутака қишлоқларидан бирида тахминан Узункир шаҳрида асир олинади. Птоломей ортидан Македониялик Александр бошчилигидаги қушиннинг асосий қисми юрган. Манзилда лашкарбоши қушинларига дуч келган шаҳар бранхидлар шаҳарчаси булган. (Бранхидлар Кичик Осиёдаги Милет шаҳрининг Аполлон Дидим ибодатхонасининг қохинлари авлоди. Улар Урта Осиёга Ахамоний шаҳаншоҳ Ксеркс (мил.авв. 461 - 465 й.й.), Ксерксга ибодатхона хазинасини топширганлари боис уч олишларидан қурқиб ахамонийлар қушинлари билан қайтганлар ра Урта Осиёнинг маълум бир ҳудудига хусусан шаҳарчаси Еркургон урнида булган) Бранхидлар шаҳарчасини батамом вайрон қилган македониялик Александр қушинлари Птоломей қушини билан боғланиб

Наутакадан Мароқанд (Самарканд) томон юрган. Айни шунда Птоломей асирга олинган Бессни Александрга топширган ва Бесс Экбатанага жўнатилиб ўша ерда шафқатсизларча қатл этилган.

Мароқандни ишғол этган македониялик Александр унга 1000 жангчидан иборат аскар қолдирган ва ўзи Яксарт сари аҳамонийлар давлатининг асосчиси Кир II номи билан аталган Киропол томон юрган.

(Киропол Шимолий Тожикистондаги Нуртепа ёдгорлиги урнида локализация қилинади)

Мавжуд илмий тадқиқотларга кўра, Александр армияси Яксарт томон Самарқанд ёки Катвон нули, Молгузар тоғларининг ғарбий ён бағирлари, Зомин чўли орқали Хўжанд (Тожикистон ҳудуди)га сари бўлган. Айни шу ҳудудда Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудлари чегарасида жойлашган Сават кишлоғида мил.авв. V - IV асрларга мансуб Хонтепа, Нуртепа каби аҳоли манзиллари бўлиб, улар македониялик Александр қўшинларига аёвсизларча қаршилик кўрсатган. Македониялик Александр Яксарт (манбаларда Танаис) - Сирдарё бўйида Александрия Эсхата шаҳрига асос солган. Айни шу шаҳар атрофида македониялик Александр ва саклар ўртасида шиддатли жанг булиб унда Александр ғалабага эришади.

Айни шу даврда Александр Мароқанд сўғдийлар томонидан қуршаб олинганлигини. Фаррух бошчилигидаги гарнизон Александрнинг асосий рақиби сўғдийлар сардори Спитамен томонидан Самарқанд атрофида йўқ килинганлиги хабарини эшитади. Шундан сўнг Александр қўшиннинг асосий кучини Суғднинг марказий қисмига ташлайди. Диодор маълумот беришича, 12 минг аҳоли ўлдирилади, аммо Спитамен жангга кирмасдан чўлга чекинади. Суғдни ишғол этиб, унда йирик гарнизон қолдириб Александр Бактрияга қайтади. Бу македониялик Александрнинг Ўрта Осиё Икки дарё оралиғига биринчи маротаба юриши ҳисобланади. Мил.авв. 329 - 328 й.й. кишини македониялик Александр Бактрия - Зариаспада ўтказган. Мил.авв 328 йилнинг баҳорида лашкарбоши Суғдга қарши янги ҳарбий юриш бошлаган. Лашкарбоши армияни 5 калоннага бўлган ва бешинчи калоннани унинг ўзи

бевосита бошқарган. Бу вақтга келиб Суғднинг катта қисми кўзғолон билан камраб олиниб суғдийларга бактрияликлар ва саклар ҳам қўшилади. Бу бирлашган қўшинлар коалициясига бевосита Спитамен бошчилик килади.

Биринчи босқич қўшиннинг Бактриядан чиқиб (мил.авв. 328 йилнинг бахори) Александр бошчилигидаги армиянинг мил.авв. 328 - 327 - й.й. Наутакада қишлашигача давом этган. Биринчи босқичда Македониялик Александрга яна қайтадан Суғдни эгаллаш тўғри келган, бўйсунмаган ва каттиқ қаршилик кўрсатган суғдийларни бўйсиндирган

Македониялик Александрнинг Суғдга юриши давомида тарихий манбаларда икки вилоят тилга олинган. Булар Ксениппа ва Наутака. Наутака, Навтака, тарихчи - лингвистлар фикрича аслида Навтака Навката - янги қишлоқ, янги шаҳар маъносида. Ксениппа қадимги Кеш, Киш (оромий ёзувида) номи. Кеш - киш - каш сўзининг қадимий маъноси тоғ, баландлик.

Айниқса, македониялик Александр ва унинг қўшинига Спитамен аёвсиз қаршилик кўрсатган. Улар ўртасидаги энг сўнгги жанг Суғдиёна ва “массагетлар Скифияси” оралиғида, Зарафшоннинг қуйи оқимидаги, Бухоро ёки қалъаи Добусия ўрнидаги Бого Суғд қалъасида бўлиб ўтади ва жанг юнон - македон армиясининг ғалабаси билан тугайди. Бир мунча вақтдан сўнг Спитаменнинг ўзи ҳам ҳалок бўлади. Бир фикрга кура, уни кўчманчилар ўлдириб, бошини Александрга жунатган, бошқа бир фикрга Қараганда ухлаб ётган Спитаменни бошини хотини олиб, Александрга олиб борган.

Мил.авв. 328 -327 й.й. кишини Александр Наутакада ўтказди ва мил.авв 327 йилнинг илк бахорида Александр ҳарбий юришлари иккинчи босқичининг охири бошланади. Бу сафардаги ҳарбий юришдан унинг асосий мақсади Наутака, Габаз, Парейтакена, Бубакена вилоятларини эгаллаш бўлган. Ҳисор ва Кўхитанг тоғ тизмаларида қоя қалъалар яъни ёзма манбааларда тилга олинган петралар жойлашган. Булар вилоятлар ва қалъалар ҳукмдорлар номи билан аталган. Аримас (Оримос), Сисимитра ўзининг гўзаллиги билан македониялик Александрни ром этган, Бактрия зодағони Оксиартнинг қизи Роксана ҳам бўлган. Бу қалъаларни эгаллашда

македониялик Александр қўшинларидан қатта шижоат талаб этилган, қаъла химоячилари уларга қарши мардонавор қаршилиқ кўрсатганлар. Айниқса Катан ва Австан бошчилигидаги Бактрияликлар Бубакена ва айниқса Паретаканеда лашкарбошилар Поликерпон ва Кратер бошчилигидаги юнон - македон қўшинларига аёвсиз қаршилиқ кўрсатгнлар. Александрнинг ўзи эса, қўшиннинг қолган қисми билан тоғли Габаз ҳудудини эгаллаш билан машғул бўлган. Габаз ўлкасини эгаллагандан сўнг Окс (Амударё)дан кечиб ўтиб, Бактрияга келган. (Македониялик Александр қўшини кечиб ўтган жой археологик тадқиқотларга кўра, Қорасувнинг Амударёга қуйилиш жойидан бир неча км жануби - ғарбда жойлашган мил.авв. V - IV асрларга мансуб Шўртепа ҳисобланади. Унда шарқда эса мил.авв. IV аср охири II асрда Кампиртепа шакллана бошлаган ва манбаларда тилга олинган “юнон кечуви” Пандахейон айна шу Кампиртепа ўрнида бўлган. Пандахейон - Пандоки – Пардаги меҳмонхона. Габаз, Парейтакена ва Бубакенага томон амалга оширилган юришлар билан македониялик Александрнинг Ўрта Осиёга амалга оширган икки йиллик ҳарбий мухорибаси тугайди. Мил.авв. 327 йил бахори охирида македониялик Александр Ҳиндикуш тоғларидан ошиб, Ҳиндистонни эгаллашга киришади.

ХУЛОСА

Қадимги Бактрия худудида бир қатор бронза даври: Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон ва Мўллали каби ёдгорликларнинг пухта режа асосида ўрганилиши келиб чиқиши жиҳатидан Жанубий Туркменистоннинг Номозгоҳ маданиятидек илк деҳқончилик маданияти, юқори даражада тараққий этган. Қадимги Шарқ маданиятининг намунаси сифатида эътироф этилиши қадимги Сурхон воҳаси цивилизациянинг илк бешикларидан бири эканлигини тасдиқлади.

Мазкур ёдгорликларнинг ўрганилиши эрамиздан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида жанубий Ўзбекистон худудида сунъий суғориш деҳқончилик асосида қадимги Шарқ маданиятининг илк ўчоқларидан бири, илк синфий жамиятнинг шаҳар маданиятини шаклланиши ва илк шаҳар маданиятининг ривожланишида архаик ва антик давр Бактриясининг моддий маданиятининг тараққиётини кўрсатиб берди.

Сополли маданиятини очилиши шимолий Бактриянинг бронза даври деҳқончилик маданиятини шаклланиши ва тараққиёти ҳақида нафақат янгича қарашни, балки илк темир асри бўсағасида ўрганилаётган воҳанинг урбанизацион маданиятининг генетик йўналишини тўғри мушоҳада қилиш имконини берди.

Янги археологик маълумотлар эрамиздан аввалги II минг йилликнинг охири XIII-X асрларда Бактрияда ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ўзгаришлар жараёни бошланганлигини кўрсатади. Айнан шу даврда кўчманчилар маданиятининг ўтроқ қабилаларнинг моддий ва маънавий маданиятига кучли таъсири кузатилади.

Кўчманчилар маданиятининг таъсирини кўмиш маросимлари (майит ўликни ёқиш), архетиктура иншоотлари (тош териш усулининг қўлланилиши), мафкура (Жарқўтон олов ибодатхонаси) ва эътиқоднинг ва хўжалик анжомларининг (сопол, металл буюмлар) ўзгаришида кузатилади.⁵¹

Бироқ кейинроқ, II-I минг йилликлар орасида Ўрта Осиёнинг жанубий

⁵¹ Асқаров. 1989. С.162.Рахмонов, Шайдуллаев. 1985. С.58-63.

вилоятлари, шунингдек Бактрия янги археологик комплекс – хусусиятлар тарқалади. Ўзининг айрим хусусиятлари билан қалама услубда ишланган ва сиртида чизма-безаклар мавжуд сопол идишлар ажралиб туради.

Шу хусусиятлар натижасида қадимги сопол ишлаб чиқариш технологияси бузилади, ёмонлашади. Бундай сифат жиҳатдан бузилиши Кучук 1 ва Кучук II Б сопол мажмуаларида кузатилади. Кулол чархида ишланган сополли маданиятига хос сополлар Кучук 1 А даврида йўқ бўлиб кетмайди. чархда ишланган сополлар бу даврда 25% ни ташкил этади. Кучук 1 Б даврида эса қадимги чархда сопол ишлаб чиқариш яна кенг тарқалади. Бу даврда сопол идишларнинг 70% чархда ишлаб чиқарилади.

Кучук 1 ва IБ даврида кўчиб келган этник гуруҳлар маҳаллий маданият эгалари, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган эди. Кейинчалик маҳаллий маданият адабиётларида қадимги Бактрия деб аталадиган маданиятни юзага чиқаради.

Қадимги Бактрия маданияти Қадимги Бактрия давлатчилигининг шаклланишида муҳим омил бўлди. Афсуски, ҳозирги вақтда фан қадимги Бактрия жамиятининг ижтимоий ва давлатчилик тизимини ўрганишда маълумотларга тўғридан тўғри суяна олмайди. Бактрия ҳудудида чизма-бўёқли сопол идишлар маданиятининг кенг тарқалишини Бактрияда синфий жамият табақаларининг энг қуйи даражада эканлигидан деб баҳоланмоқда.

Чорвадор-кўчманчи этник гуруҳларнинг кириб келиши ва чизм а бўёқли сопол ишлаб чиқувчи қабилалар синфий муносабатларни шаклланиши, қадимги Бактрия подшолигидек сиёсий иттифоқнинг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этади.

Бу подшолик-конфедерация деб аталувчи бир неча кичик мулкликларни ўз ичига олиб уларни ҳарбий оқсоқоллар бошқарган, тарихда бу давр ҳарбий демократия босқичига тўғри келади.

Шимолий Бактриянинг эраиздан аввалги УШ-У асрларга оид ёдгорликларини районлаштириш йирик савдо-хунармандчилик ва маданият марказларини тиклаш ва кўрсатиш имкониятини берди.

Масалан, қадимги Шеробод деҳқончилик воҳасида Жондавлаттепа, Бойсун воҳасида Қизилтепа Сурхон воҳасида Ҳайитобод каби йирик марказлари локализация қилинди.

Шундай қилиб, Аҳамонийлар давригача Шимолий Бақтрияда бешта давлат аниқроғи бешта конфедерация мавжуд эди.

Уларнинг Марказий шаҳарлари Жондавлаттепа Қизилтепа, Ҳайитободтепа, Қалъаи-Мир, Бойтудашт 1У ёдгорликлари ўрнида жойлашган. Бу факт Аҳамонийларга қадар Бақтрияда давлатлар мавжуд эканлигини босқинчилар давлатчилиқ шаклланишини тўхтатиб қўйганлигини, Ўрта Осиёда давлат тизими четдан келган халқлар эмас, балки маҳаллий халқларнинг моддий ва маънавий ҳаётининг тараққиё этиши натижасида шаклланганлигини исботлайди.

Шундай экан давлатчилигимиз тарихи ҳозирги муҳим муаммо бўлибгина қолмай у халқимизнинг моддий маданияти ва тарихини очиқ беришда муҳим вазифаларни келажак авлод олдида қўндаланг қўяди.

АДАБИЁТЛАР

1. Шайдуллаев Ш. Сопли маданияти пиктографик белги-ёзувлари. Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари. 2003. 2-сон.
2. Аскарлов А., Абдуллаев Б. Жарқўтон. Т. Фан. 1983.
3. Аскарлов А., Ширинов Т. Раскопки монументального храма на Джаркутане // Творческое наследие народов средней Азии в памятниках искусства, архетиектурa и археологии. Тезиси докладов. Т. Фан. 19985.
4. Аскарлов А., Ширинов Т. Древне бактрийский храм огня в южном Узбекистане // Градостроительство и архитектура. Развития связи и взаимодействия культура среднего Востока. Т. Фан. 1989.
5. Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Южного Узбекистана. Т. Фан. 1977.
6. Дуке Х.И.К. вопросы бургулюкской культуре // ОНУ № 8 1976.
7. Киселев С. Древняя история южной Сибири // М.И.А № 9 1943.
8. Аскарлов А, Альбаум Л. Поселение Кучуктепа. Т. Фан. 1972.
9. Собиров К Оборонительные сооружения древних поселений и городов средней Азии М. 1978.
10. Зеймаль Т. Древнеземледельческое поселение Болдой тепе // МКТ воп.
11. Сагдуллаев А. Культура северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа. Л. 1978.
12. Пугаченкова Г. Холчаян. Т. Фан 1966.
13. Ртвеладзе Э. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахменидского времени // СА №2 1975.
14. Воробьева М. Динчильже. Усадьба середина 1 тыс до н.э.в. древним Хоразме // МХЭ Вып 9 М Наука 1973
15. Заппаров Ш. Ртвеладзе Э. Раскопки древне бактрийского поселения Талашкантепа.//Бактрийские древности. Л.Наука. 1976

16. Ширинов Т.Ш. Орудия производства и оружие эпохи бронзы среднеазиатского междуречья. Т. Фан. 1986.
17. Шайдуллаев Ш. Талашкантепа 1 крепость раннего века на территории северной Бактрии. Т. 1988.
18. Сагдуллаев А. Усадьбы древней Бактрии Т. Фан. 1987.
19. Аскарлов А. Культура и общество древней Бактрии в первой трети 1 тыс. до. Н.э. // Раннежелезный век средней Азии и Индии. Ашхабад. 1984.
20. Аскарлов А. Раскопки Пшактепа на юн Узбекистана// ИМКУ, вып 17. Т. 1979.
21. Аскарлов А. Сополлитепа Т. Фан. 1973.
22. Ртвеладзе Э. Новые древне бактрийские памятника на юн Узбекистана // Бактрийские древности. Л. Наука. 1974-1976
23. Ртвеладзе Э.В. Новые бактрийские памятники на юн Узбекистана // ИМКУ, вып 21 Т. Фан. 1987
24. Ртвеладзе Э., Хакимов З. античной културы Узбекистана. Т. 1973.
25. Ртвеладзе Э. Бронзовый кинжал из Вахшувара // СА 1981.
26. Пидаев Ш.Р. Открытие нового памятника середины 1 тысячи летия до н.э. //ОНУ №1973.
27. Пидаев Ш.Р. Ртвеладзе Э.В. Исследование Талашкантепа 1 // АО 1977. М. Наука. 1978.
28. Пидаев Ш. Стратиграфия городища старого Термеза в свете новых раскопках // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда Т. Фан. 1987.
29. Шайдуллаев Ш. Северная Бактрияв эпохи раннежелезного века. Т. 2000.
30. Беляев Т. Хакимов З Древне бактрийские памятники Миршщади // из истории античной културы Узбекистана Т. Изд. Г.Гуляма. 1973
31. Ртвеладзе Э. Древня Бактрия средневековый Тохаристан. Динамика историко-культурного развития. М. 1988.

32. Ртвеладзе Э. Стена Дербенда Бактрийского // ОНУ 1986.
33. Альбаум Л. Бала-лыктепа. Т. Фан. 1960
34. Монгайт В. Археология Западной Европы М. Наука.
35. Мелларт Дж Древнейшие цивилизации Ближнего Востока. М. Наука. 1982
36. Чернецов В. Представления о душе у обеих у гров //исследования и материалы по вопросам первобытных религиозных верований М. Изд А.И. 1958.
37. Грант Аллен Эволюция идеи божества Исследование о происхождение религии. С.П.Б. 1906
38. Масон В. Древнеземледельческая культура Маргианы. // МИА 1939.
39. Масон В.М. Древнего города и археологические памятники северной Бактрии // Древняя Бактрия. Л. Наука 1974.
40. Масон В. Средняя Азия во эпоху раннего железа: культурная и социальная - экономическая динамика // раннежелезный век средней Азии и Индии. Ашхабад. 1984.
41. Дьяконов И. Якобен В. Номовые государства, Территориальная царства, полисы и империи Проблемы типологии. // ВДИ 1982.
42. Дьяконов И. Работы Кофирнипаского отряда // МАА. 1950.
43. Дьяконов И. Восточный Иран до Кира к возможности новых постановок вопроса // История Иранского государства и культуры. М. Наука. 1971.
44. Сагдуллаев А., Хакимов З. Археологическое изучение городища - Кызыл-тепе 1973-1974. // Бактрийские древности. Л.Наука. 1976.
45. Абдуллаев А. Памятники раннего железного века в Пянджском районе прошлого средней Азии. Д. Дониш. 1987.
46. Алексин А. Некоторые закономерности развития общественного строя земледельческих обществ // Древние цивилизации Востока. Т. Фан. 1986.
47. Пяконов И. Бактрия в античной традиции. Д. Дониш. 1982.

48. Абдуллаев А. Работы Яванского отряда // АО 1976 М. Наука. 1977.
49. Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе Э. Северная - Бактрия Тохаристан. Т. Фан. 1990.